

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Мамлакатимизда жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратишда эркин иқтисодий зоналарнинг ўрни ва аҳамияти катта.

Бугунги кунда дунёнинг аксарият давлатларида, хусусан Хитой, АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Ирландия, Мексика, Венгрия, Болгария каби мамлакатларда ҳудуднинг жўғрофий ва бошқа қулайликларидан келиб чиққан ҳолда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш аниқлана бошлаган.

Биргина 90-йилларнинг ўрталарида дунёда 1 200 га яқин эркин иқтисодий зоналарнинг ҳар хил турлари, жумладан 300 дан ортиқ экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш зоналари, 400 га яқин эркин илмий-техникавий зоналар фаолият кўрсатган.

Бундай зоналарни ташкил этишдан асосий мақсад – минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капитални, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш орқали унинг sanoat салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, замонавий бозор инфратузилмаларини ташкил этишдан иборатдир.

1990 йилда ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш бўйича Халқаро ассоциация (МАРСЭЗ) томонидан қабул қилинган ҳужжатларга кўра, эркин иқтисодий зона алоҳида ҳудудий бирлик бўлиб, у қоида тариқасида мамлакатнинг иқтисодий, илмий-техникавий, экологик ва ижтимоий ривожланишига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, молиявий-хўжалик фаолиятни амалга ошириш учун очик бўлади. Бундан ташқари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиши бўйича ривожланган давлатларда тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, мазкур усулнинг қўлланилиши мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, ижтимоий ҳаётга янги-янги иқтисодий ғояларни татбиқ этишда ўзининг ижобий жиҳатларига, самарадорликка эгадир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4059-сон Фармони асосан, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилди. Мазкур Фармонда эркин индустриал-иқтисодий зонада хўжалик юри-

тувчиларга татбиқ қилинадиган алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига норезидент фуқароларнинг кириши, бу ҳудудда бўлиши ва чиқиб кетиши, шунингдек, улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиши назарда тутилган. Бунинг учун алоҳида меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши белгиланган.

Эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этади ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин. Бундан ташқари, эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмига қараб қатор солиқ имтиёзларига эга. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда эркин иқтисодий зонани ташкил этишнинг ушбу тури жаҳон амалиётида тўпланган тажрибага, хусусан давлат бошқаруви марказий идорасининг ташаббуси билан ташкил этилиши (масалан, Жанубий Корея давлатида ушбу усул кенг қўлланилади)га тўла мос келади.

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва улар фаолиятига доир муносабатлар 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади. Бу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 26 майда қабул қилиниб, юқори палата – Сенат томонидан жорий йилнинг 28 августидан маъқулланган ҳамда 24 сентябрь куни матбуотда расмий эълон қилиниб, кучга кирган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эса амалдаги Қонуннинг эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тартиби, уларнинг турлари, мазкур зоналар иштирокчиларига қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш механизми, бундай ҳудудда амалга ошириладиган фаолият турлари, эркин иқтисодий зоналарнинг мувофиқлаштирувчи ва оператив бошқарув органларини шак-

ллантириш тартиби ҳамда уларнинг ваколатлари, шунингдек, хўжалик юритувчи эркин иқтисодий зона субъектларини рўйхатга олиш тартиби билан боғлиқ нормаларни юқорида номи зикр этилган Фармон талабларига мувофиқлаштиришни кўзда тутди.

Жумладан, мазкур Қонуннинг «Эркин иқтисодий зонани тузиш» деб номланган 3-моддасига эркин иқтисодий зона Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ташкил этилиши, эркин иқтисодий зонанинг мақоми, шунингдек, унинг қанча муддатга ташкил этилиши мазкур ҳужжат билан белгиланиши, эркин иқтисодий зонанинг чегаралари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши, эркин иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш белгиланган муддат тугашидан камидан уч йил олдин Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилиши тўғрисидаги тегишли ўзгартишлар киритилган. 4-моддага биноан эса, эркин иқтисодий зонанинг мақоми биринчидан, уни ташкил этиш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддат тугаганидан кейин; иккинчидан, уни ташкил этиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган вазибалар бажарилмаганда ва мақсадларга эришилмаганда тугатилиши белгиланди.

«Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, эркин иқтисодий зоналар мамлакатимизда эркин савдо зоналари, эркин ишлаб чиқариш зоналари, эркин илмий-техникавий ва бошқа зоналар тарзида тузилиши мумкин. Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, эркин ишлаб чиқариш зоналари – тадбиркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг устун тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш, истиқболли технологияларни жорий этиш мақсадида хўжалик-молиявий фаолиятнинг алоҳида тартиботи жорий этиладиган ҳудудлар бўлиб, у ўз ичига экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш зоналарини, агрополисларни, тадбиркорлик зоналарини ва бошқа эркин зоналарни олади.

Албатта, эркин ишлаб чиқариш зоналарида иқтисодиётнинг устун тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш орқали истиқболли технологияларни жорий этиш, пировардида маҳаллий хом ашёлар асосида экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Эркин иқтисодий зонанинг мазкур тури бугунги кунда Осиёнинг 20 га яқин давлатида, Лотин Америкасидаги аксарият

давлатларда, шунингдек Венгрия, Руминия, Буюк Британия, АҚШда учрайди. Эркин иқтисодий зонанинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, эркин ишлаб чиқариш зоналарида алоҳида имтиёзли божхона, валюта ва солиқ режимлари давлат томонидан таъминланади.

Эркин иқтисодий зона мамлакатимизда илк мартаба индустриал-иқтисодий зона кўринишида ташкил этилди. Энг муҳими, унинг ҳудудидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши – замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг қўламда ишлаб чиқаришдан иборат этиб белгиланган. Шу боис, Қонуннинг ушбу 7-моддасига индустриал-иқтисодий зона ҳам эркин ишлаб чиқариш зоналар турларидан бири сифатида назарда тутилди.

Амалдаги қонунчиликни иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятини олиб бориш тажрибаси билан уйғунлаштириш мақсадида, шу билан бирга ҳар бир эркин иқтисодий зона бўйича Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланганини эътиборга олган ҳолда, Қонуннинг «Эркин иқтисодий зоналарнинг бюджети» номи 17-моддасига тегишли ўзгартишлар киритилди. Унга кўра, эркин иқтисодий зонанинг бюджети эркин иқтисодий зонанинг Маъмурий кенгаши бошқаруви ва фойдаланувида бўлган ер, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан, хизматлар кўрсатишдан келадиган тушумлардан ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан шакллантирилиши белгиланган.

Қонуннинг «Эркин иқтисодий зонанинг бошқарув органлари» деб номланган 20-моддасида эркин иқтисодий зонанинг фаолияти эркин иқтисодий зонанинг Маъмурий кенгаши томонидан мувофиқлаштирилиши билан бир қаторда, эркин иқтисодий зона дирекцияси эркин иқтисодий зонанинг оператив бошқарув органи эканлиги, «Эркин иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши» номи 21-моддаси биринчи қисмида эса Маъмурий кенгаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилиши ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб қўйилди.

Шу билан бирга, мазкур моддага атамаларни бир хил талқин қилиш ва амалдаги қонунчиликдаги тафо-

вутларни бартараф этиш мақсадида бир қатор аниқлаштирувчи ўзгаришлар киритилди. Жумладан, Қонуннинг «Солиқ имтиёзлари» деб номланувчи 14-моддаси номи ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 12 ва 30-моддаларига мослаштирилди. «Корхоналар, муассасалар, ташкилотларни қайта ташкил этиш ва тугатиш» номи 26-моддаси иккинчи қисмини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси талабларига мувофиқлаштириш мақсадида «Корхоналар, муассасалар ёки ташкилотлар қайта ташкил этилган ва тугатилган тақдирда, меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинаётган ходимда қонун ҳужжатларида белгиланган кафолатлар сақланиб қолади» деган тахрирда баён этилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ, эркин иқтисодий зона ҳудудида хўжалик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар дирекцияда рўйхатдан ўтиши, агарда улар эркин иқтисодий зона ташкил этилиши пайтида унинг ҳудудида хўжалик фаолиятини амалга ошириш мақсадида дирекцияга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхасини тақдим этишлари лозим.

Албатта, рўйхатдан ўтказилган юридик ёки жисмоний шахсга дирекция эркин иқтисодий зонада рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома беради ва бу ҳақда тегишли давлат бошқаруви органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабар қилади. Бундан ташқари, мазкур модданинг тўртинчи қисмига биноан юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, дирекция эркин иқтисодий зона ҳудудида юридик ёки жисмоний шахснинг фаолиятини тугатиш ҳамда унга берилган гувоҳномани бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Қонун жаҳон молиявий-иқтисодий иқтисодиётини янада ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, жаҳон бозорига тобора интеграциялашувда, тўғридан-тўғри инвестицияларни рағбатлантиришда ўзига хос ва бетакрор механизм сифатида хизмат қилади.

Нуриддин НАРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти
ҳузуридаги Амалдаги қонун
ҳужжатлари
мониторинги институти
гуруҳ раҳбари, юридик
фанлари номзоди, доцент.

УШБУ
СОҒДА

1-бет

Қонун кучга
кирди

3-бет

Қонун ҳужжатларига
қисқа шарҳ

4-бет

Маслаҳатни
юрист беради

5-6-бетлар

Янги қонун
ҳужжатлари

INTER
PRESS
www.interpress.uz

INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Истории • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

ОБУНА-2010
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

тел./факс:
(99897)
119-0000
155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

СЕРТИФИКАТЛАНГАН БУХГАЛТЕРЛАР САФИ КЕНГАЙДИ

Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлари миллий уюшмаси 2009 йил 8 сентябрда «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг мажлислар залида халқаро профессионал бухгалтерлар дастурлари бўйича таълим олган 54 нафар мутахассисга «Сертификатланган амалиётчи бухгалтер – САР» халқаро сертификатларини топширди. САР сертификатининг мингинчи соҳибига айланган – «Махсуполимер» ОАЖ бош бухгалтери Луиза Кулешова махсус соврин – Уюшманинг логотипи туширилган майка ва бокал олди.

Бугунги кунга келиб 1 150 нафар мутахассис таълим курсидан ўтиб, халқаро имтиҳонларни муваффақият билан топширдилар, САР/CIPA сертификатларини олдилар, халқаро даражадаги молиячилар ва бухгалтерлар сафларини тўлдириб, ЎзБАМУнинг ҳақиқий ва фахрий аъзоларига айландилар.

Бизнес режалари, молиявий ҳисоботларни тайёрлай оладиган, компаниялар фаолиятининг натижаларини халқаро стандартларга мувофиқ иқтисодий таҳлил қила оладиган мутахассислар хорижий инвесторларни жалб этиш, молиявий ҳисоботларни Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари (МХХС)га мувофиқлаштириш учун гоётада зарурдир. Сир эмаски, САР/CIPA дастурини ўзлаштирган мутахассислар олинган билимларни амалиётда муваффақият билан қўллаб, иш бе-

рувчилардан манфаатли таклифлар оладилар, ишда тез кўтариладилар, баъзилари эса ўз бизнесларини бошлаб юбордилар. Бугунги кунда касб эътирофининг олий даражаси ҳисобланган CIPA сертификати 29 соҳибининг барчаси Ўзбекистон Бухгалтерлари ва аудиторлари миллий уюшмасининг фахрий аъзолари ҳисобланади.

Бухгалтерлар халқаро федерацияси, Сертификатланган бухгалтерлар ва аудиторлар Евросиё кенгаши ҳамда Бухгалтерлар ва аудиторларнинг «Ҳамдўстлик» уюшмасига аъзо бўлган Ўзбекистон Бухгалтерлари ва аудиторлари миллий уюшмаси, САР/CIPA ҳамда бухгалтерлар, аудиторлар ва солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларидан ташқари, DiplFR (русча ACCA) халқаро курсини ҳам ўтка-



зади. ЎзБАМУда таълим олган Ўзбекистон мутахассисларининг биринчи гуруҳи имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди, чунки беш талабгордан тўрт нафари DiplFR дипломига эга бўлди. Улар – ЎзБАМУ фахрий аъзолари, CIPA сертификати соҳиблари **Отабек Мусахўжаев** ва **Тамара Будникова** ҳамда ЎзБАМУ ҳақиқий аъзолари, САР сертификати соҳиблари **Татьяна Анисимова** ва **Муҳайё Файзиевалардир**. Ўз чиқишларида улар DiplFR нинг фойдали ва қизиқарли курси МХХС соҳасида

билимларини оширишга имкон берганлигини, САР/CIPA курсларидаги таълим эса имтиҳонни биринчи киришдаёқ муваффақиятли топшириш учун пухта асос яратганлигини таъкидладилар.

Дипломларни топшириш маросимида қайд этилганидек, САР/CIPA сертификатларига эга бўлган мутахассислар ўзлари ишлаётган барча соҳаларда юқори малакали кадрлар эканликларини кўрсатдилар, бундан ташқари, улар молиявий ҳисоботларни МХХСга мувофиқлаштиришда, миллий ҳамда халқаро

аудит стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда аудит ўтказишда, мамлакатимиз корхоналари ва ташкилотлари фаолиятида молиявий менежмент дастакларини қўллашда ёрдам бермоқдалар.

Бухгалтерлар ва аудиторларнинг сифатли профессионал фаолияти кўп жиҳатдан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўз вақтида танишишга боғлиқдир. Шу боис конференция иштирокчилари «Norma» ахборот-ҳуқуқий тизимининг дисклари тўхта қилинганда жуда мамнун бўлдилар.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ ва унинг ҳудудий филиаллари бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. РКМБ Марказий аппаратининг аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан қуйидагилар қўйилмоқда: 1. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан (02.10.08 й. №11-0809/6592 ва 08.01.09 й. №7 ижро ҳужжатига асосан) Чирчиқ ш., Хайдаро кўчаси, 1-уй манзилида сақланаётган ҳар хил турдаги пластмасса маҳсулотларини и/ч мўлжалланган технологик линия қўйилмоқда: – «НАПАН НТФ-160Х» русумли технологик линия. Бошланғич баҳоси – 112 650 875 сўм. – «НАПАН НТФ-450Х» русумли технологик линия. Бошланғич баҳоси – 195 501 688 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 27 октябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги ускуналар 2009 йил 27 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур ускуналарни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2009 йилнинг 17 ноябрь кuni бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

2. Аукцион савдосига такроран Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан (06.03.06 й. №ЖСК-1-88/2006 ижро ҳужжатига асосан) қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: – Тошкент вилояти Қибрай тумани, «Мичурин дала ҳовличилар» худудида жойлашган, 67-сонли дала ҳовли. Бошланғич баҳоси – 561 086 757 сўм. – Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Низомий кўчасидаги 12-уй, қурилиши тугалланмаган уй-жой. Бошланғич баҳоси – 326 099 511 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 20 октябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10%идан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисобрақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Рахимов т., М.Ўраббоев кўчаси, 1А-уй. Тел. 228-79-52.

II. РКМБ Хоразм вилоят филиалининг аукцион савдосига, Урганч шаҳар СИБ томонидан такроран қуйидаги объектлар қўйилмоқда:

1. «Ишонч» МЧЖга қарашли бўлган, Урганч ш., Санатчилар кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий ер майдони – 382,85 кв. м ни ташкил қилган, 3-сонли омборхона ва 2 қаватли ёрдамчи биноси (ижро ҳужжати 29.05.09 й. №3557). Бошланғич баҳоси – 68 255 100 сўм. 2. «Хоразмсувқурилиш» ОАЖнинг «Урганчсувқурилишмонтаж» унитар корхонасига қарашли бўлган, Урганч ш., Ашхобод кўчаси, 200-уйда жойлашган қуйидаги бино ва иншоотлари (16.09.08 й. №4919, 20.10.08 й. №7632, 15.05.08 й. №1950, 26.06.08 й. №1950, 03.06.08 й. №1863, 03.06.08 й. №1853, 14.04.09 й. №2129, 26.01.09 й. №17711, 07.07.09 й. №5443 ижро ҳужжатларига асосан): – Умумий ер майдони 2 739,19 кв. м ни, шундан қурилиш ости ер майдони 715,77 кв. м ни ташкил қилган, 3 қаватли маъмурий бино, атрофидаги девор ва жойлашган асфальт майдони. Бошланғич

баҳоси – 281 511 963 сўм. – Умумий ер майдони 9 664,78 кв. м ни, шундан қурилиш ости ер майдони 929,9 кв. м ни ташкил қилган, таъмирлаш устахона биносини бир қисми, қоровулхона биноси ва жойлашган асфальт майдони. Бошланғич баҳоси – 145 371 218 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 15 октябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги мулклар 2009 йил 15 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, сотилмаган мулкларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2009 йил 30 октябрь кuni бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 8 (362) 226-43-64 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10%идан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг Хоразм вилояти ф-лидаги қуйидаги ҳисобрақамга тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотекбанк» Тинчлик ф-ли, МФО: 00580, ИНН: 200933850. Манзил: Хоразм в., Урганч ш., Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй. Телефон: 226-32-63, факс: 224-36-97.

III. РКМБ Фарғона вилоят филиалининг аукцион савдосига, Фарғона вилоят суд департаментининг ҳудудий бошқармаси томонидан, (25.10.07 й. №15-07-06-/10972; 25.10.07 й. 15-07-06/10970; 27.11.07 й. №15-07-03/12124 ижро ҳужжатлари асосан), Фарғона ш., М.Қосимов кўчаси, 62-уйда жойлашган,

қурилиш эгалланган майдони 1 476,93 кв. м, фойдали майдони 5 165,13 кв. м бўлган «УзСаламан» ҚКга тегишли тўрт қаватли маъмурий бино-иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 496 890 231 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 29 октябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги бино-иншоотлар 2009 йил 29 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур бино-иншоотларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2009 йил 17 ноябрь кuni бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни (8-373) 224-68-70 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10%идан кам бўлмаган миқдорда закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Фарғона вилоят ф-лининг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят ф-лидаги қуйидаги ҳисобрақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000700571452023, МФО:00497, ИНН: 200933850. Манзил: Фарғона в., Фарғона ш., М.Қосимов кўчаси, 35-уй. Тел. 224-68-70.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. www.rkmb.uz. Лицензия: DB 001 № 000004.

РЕКЛАМА

МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

мактаб
офис
тиббий
металл каркада
ошхона буюртмага



тел./факс: (998 71) 244 86 31, 290 95 57. www.art-mebel.uz

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курс	бирлиги	курс	бирлиги	курс
Озарбайжон	24.09.2009	1	0,8034	1	1,1828	1	0,0267
Арманистон	24.09.2009	1	384,67	1	567,77	1	12,81
Беларусь	25.09.2009	1	2754	1	4065,45	1	91,59
Грузия	24.09.2009	1	1,6827	1	2,4867	1	5,6089
Қозоғистон	25.09.2009	1	150,93	1	222,76	1	5,03
Қирғизистон	19.09.2009	1	43,9565	1	64,4908	1	1,4472
Латвия	25.09.2009	1	0,478	1	0,702804	1	0,0159
Литва	25.09.2009	1	2,3391	1	3,4528	10	7,7896
Молдова	24.09.2009	1	11,2501	1	16,6198	1	0,3743
Тоҷикистон	24.09.2009	1	4,3901	1	6,4975	10	1,4622
Ўзбекистон	22.09.2009	1	1497,98	1	2204,58	1	49,29
Украина	24.09.2009	100	800,68	100	1183,6452	10	2,6689
Эстония	24.09.2009	1	10,6014	1	15,6466	1	0,353042

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ
СОҒДА:

- **УСТУВОРЛИКЛАР**
 - Эркин иқтисодий зона фаолиятининг ҳуқуқий асоси **1-бет**
 - **ВОҚЕАЛАР**
 - Сертификатланган бухгалтерлар сафи кенгайди **2-бет**
 - **ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
 - Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

- Хизмат кўрсатдингизми – ҳисоб беринг **3-бет**
- **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**
 - Уставни ўзингиз учун ёзинг
 - Директорга ваколатлар беринг
 - Ким кооператив акцияларини сотади? **4-бет**
- **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори
– «О дополнительных мерах по ускорению процесса реализации объектов муниципальной собственности хокимията города Ташкента».
Идорадий-меъёрий ҳужжатлар:
– УзР молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (24-сонли БҲМС) «Қарзлар бўйича харажатлар

ҳисоби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи;
– УзР ИВ, МВ, ТИАИСВ, ДБҚнинг «Ўзбекистон Республикаси худудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.
5-6-бетлар
7-8-бетлар

• top

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ*

БИТИМ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ

2009 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-219-сон Қонун билан Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида куруллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айлланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битим (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилинди. Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси ва Бош прокуратура Битимни бажаришга масъул бўлган ваколатли органлар этиб белгиланди. Ўзбекистон ҳамкорликни ўз миллий қонунчилигига зид келмайдиган қисми бўйича амалга ошириши белгиланган.

2009 йил 15 сентябрда «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган. 25 сентябрдан бошлаб кучга кирди.

ЖИНОЙИ ЖАЗО ҚўЛЛАНИЛАДИ

2009 йил 15 сентябрдаги ЎРҚ-220-сон Қонун билан Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар киритилди. Уларга мувофиқ электр ва иссиқлик тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланиладиганидан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, жиноий жазо қўллаш учун асос бўлади. Кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда содир этилган ҳудди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланган бўлиши шарт эмас.

Қонун 2009 йил 16 сентябрда «Халқ сўзи» газетасида расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

ДОРИ-ДАРМОН КОНТРАБАНДАСИГА «ҚИЗИЛ» ЧИРОҚ

2009 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ-221-сон Қонун билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс сифатсиз ёки қалбақлаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан тўлдирилди. Шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланиладиганидан кейин тақдоран содир этилган тақдирда ҳуқуқбузар жиноий жавобгарликка тортилади. Дастлабки маъмурий жавобгарлик талаб этилмайди, оғирлаштирилган вазиятлар ҳам белгиланган.

Жиноят-процессуал кодексига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Қонун 2009 йил 18 сентябрда «Халқ сўзи» газетасида расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

2009 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ-222-сон Қонун билан 1997 йил 25 апрелдаги «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги 415-1-сон Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Дори воситалари ва тиббий буюмлар таърифлари янги таҳрирда баён этилган, қалбақлаштирилган, сифатсиз дори воситалари ва уларнинг Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган файриқонуний нусхаларига янги таъриф берилган. Белгилаштиришчи, Ўзбекистонда давлат рўйха-

тидан ўтказилмаган дори воситаларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, шунингдек сифатсиз ёки қалбақлаштирилган ҳамда рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг файриқонуний нусхаларини импорт қилиш тақиқланади.

Қонун 2009 йил 18 сентябрда «Халқ сўзи» газетасида расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЕНГИЛЛИК

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 14 сентябрда 1635-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан 2006 йил 31 октябрдаги Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Чунончи, микрокредит ташкилоти ижро этувчи органи раҳбарининг малака талабларига мувофиқ келмаслиги сабабли Марказий банк лицензия беришни рад этишга энди ҳақли эмас. Ушбу ҳол энди банк томонидан лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш учун асос бўлиб ҳисобланади. Лицензия дубликатини беришда қонунчиликда белгиланган йигим суммасининг ярми ундирилиши белгиланган.

2009 йил 24 сентябрдан кучга кирди.

НОГИРОН БОЛАЛАРГА

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 15 сентябрда 2005-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан 16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш ҳақида тиббий ҳулоса бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

2009 йил 25 сентябрдан кучга кирди.

НАМУНАВИЙ МЕЪЁРЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 15 сентябрда 2006-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Қурилиш материаллари sanoati ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа яқка тартибдаги ҳимояланиш воситаларини бепоул беришнинг намунавий меъёрлари тасдиқланди.

2009 йил 25 сентябрдан кучга кирди.

ҲАЗНАЧИЛИК НАЗОРАТИ ОСТИДА

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 16 сентябрда 2007-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тасдиқланган Давлат бюджетининг ғазна ижроси қондалари Молия вазирлиги ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлиналари томонидан республика ва ҳудудий ғазна ҳисобварақларини қўллаш шариоитида республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ғазна ижросини амалга ошириш тартибини белгилайди. Ғазна ижроси билан қамраб олинган бюджетлар, харажат гуруҳлари, бюджетдан маблағ олувчилар, шу жумладан капитал қурилиш буюртмачиларининг рўйхати Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

2009 йил 26 сентябрдан бошлаб кучга кирди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 12 сентябрдан 18 сентябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 38-сон асосида тайёрланди.

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.pogma.uz сайтидаги эркин қилинадиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.



ХИЗМАТ КўРСАТДИНГИЗМИ - ҲИСОБ БЕРИНГ

«ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАР КўРСАТИЛИШИ ТўҒРИСИДА ҲИСОБОТ» 2-ХИЗМАТЛАР ШАКЛИ (ФТХУТ) БЎЙИЧА ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҲИСОБОТИ ШАКЛИНИ* ТўЛДИРИШГА ДОИР ТУШУНТИРИШЛАР

2-Хизматлар шакли (ФТХУТ) бўйича иқтисодий фаолият турларига доир хизматлар кўрсатилиши тўғрисида ҳисоботни юридик ва жисмоний шахсларга хизматлар (аҳолига пуллик хизматлар) кўрсатилиши бўйича фаолиятни амалга оширувчи барча юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлиналари (филиаллари ва ваколатхоналари) тақдим этадилар. Ҳисобот маълумотлари ҳисобот берувчи ташкилот жойлашган жойдаги статистика органига ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмай (йил учун - 28 январдан кечиктирмай) тақдим этилади.

Хизматлар деганда ишлаб чиқариш фаолиятининг истеъмолчиларга муайян эҳтиёжларни қондириш учун буюртирилган, бироқ моддий-ашёвий шаклга мужассамланмайдиган (жисмий нарсалар ҳисобланган товарлардан фарқли равишда) фойдали натижалари тушунилади. Шу сабабли хизмат кўрсатилган ва истеъмол қилинган пайтларнинг мос келиши унинг хусусияти ҳисобланади.

Баъзи хизматлар товарлар тавсифларига эга бўлиши мумкин. Бу ҳолат яқка тартибда кийим, пойабзал тикиш, мебель, металл буюмлар тайёрлаш ва ҳоказо яқка тартибдаги буюртмалар бўйича ишлаш, овозли ва видео-ёзувлар ва бошқаларга тааллуқлидир.

Бозор хизматлари деб олди-сотди объекти сифатида майдонга чиқадиган ва уларни ишлаб чиқарувчининг чиқимларини бутунлай ёки салмоқли даражада қоплайдиган нархларда реализация қилинадиган хизматлар ҳисобланади.

Хизматлар экспорти деганда Ўзбекистон резидентлари томонидан норезидентларга тақдим этилган ишлаб чиқариш ёки истеъмол хизматлари тушунилади. Уларнинг қиймати хизматлар ҳажмида экспорт сифатида ҳисобга олинади. Экспортга етказиб бериладиган хизматлар (агар уларга сўмда ҳақ тўланмаган бўлса) Марказий банк томонидан уларни тўлаш санаида белгиланган сўм курси бўйича қайта ҳисобланган контракт нархлари бўйича ҳисобга олинади.

Муайян даврда кўрсатилган хизматларнинг миқдорини ўлчайдиган асосий статистик кўрсаткич «Кўрсатилган хизматлар ҳажми» ҳисобланади, у хизматлар истеъмолчиси - юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланган пул маблағлари, шу жумладан уларнинг ходимларига хизмат кўрсатилгани учун қўшимча тўловларнинг (ёки тўлиқ компенсациянинг) умумий суммасини акс эттиради. Ҳақ тўлаш нақд ҳисоб-китоб қилиш йўли билан (ташкилот кассаси орқали) ёки кредит ёхуд пластик картчалар, банкларнинг ҳисоб-китоб чеклари бўйича, омонатчиларнинг ҳисоб-рақамларидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Юқорида айtilган шакл бўйича ҳисобот 21-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш

бўйича Йўриқнома»га (МВнинг АВ томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) мувофиқ амалга ошириладиган ташкилотнинг бирламчи ҳисоби маълумотлари асосида ҳисобот даври учун қатъий тарзда амалга оширилади.

Кўрсатилган хизматлар ҳажмини аниқлаётганда улар учун ҳисоблаб ёзилган тўловларни ҳисобга олиш керак. Улгуржи ва чакана савдо бўйича, бунга овқатланиш корхоналари ҳам қиради, ялпи фойда ҳисобга олинади, у реализация қилишдан олинган соф тушум билан реализация қилинган товарларнинг харид қиймати (таннарх) ўртасидаги фарқдан иборатдир. Товарлар олди-сотдиси битимларини топшириқ, воситачилик ёки агентлик шартномалари асосида бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб амалга оширадиган ташкилотлар пул мукофоти миқдорини кўрсатадилар, айни шу пул мукофоти кўрсатиладиган хизматнинг қийматини ташкил қилади.

Сугурта хизматларининг ҳажмлари деб тўғридан-тўғри сугурталаш бўйича, шунингдек қайта сугурталашга қабул қилинган шартномалар бўйича, бунда қайта сугурталашга берилган шартномалар бўйича сугурта мукофотлари чегирилади, сугурта мукофотларининг тушумларини ҳисоблаш керак.

Хизматларни ҳисобга олиш, ҚҚС ва бошқа мажбурий тўловларсиз, реализация қилишнинг амалдаги нархларида амалга оширилади.

А устунида статистика органлари томонидан белгиланган хизматлар рўйхатининг номларига кўра ташкилот кўрсатган хизматлар кўрсатилади. Б устунида ФТХУТ таснифида статистика органлари томонидан белгиланган хизматлар кодлари кўйилади.

Сўнгра А устунида статистика органлари белгилаган хизматлар рўйхатига кирмайдиган хизматлар кўрсатилади. Б устунида давлат статистика органлари ФТХУТ таснифида ёрдамчи разряд - 5 рақамли ўнлик белгилар даражасида бошқа хизматлар кодларини кўядилар.

Кодлаштирилган ва эркин сатр бўйича келтирилган маълумотлар суммаси, ёрдамчи кодлардан ташқари, тегишли устулар бўйича 01-сатр маълумотларига тенг бўлиши керак. (Мисол: 741115 рақами 74111 нинг ёрдамчи кодидир).

1-устунда ҳисобот даврида, ҚҚС ва бошқа мажбурий тўловларсиз, кўрсатилган хизматлар ҳажми, улардан қишлоқ жойларда кўрсатилганлари 2-устунда кўрсатилади.

3-устунга ҳисоботда кўрсатилган хизматлар турларини кўрсатиш билан банд ходимлар сони кўйилади.

02-«Маълумот учун» сатрида - 01-сатрдан 1-устунда хизматлар экспорти ҳажми, уларни ФТХУТ бўйича турларга бўлмасдан, акс эттирилади.

Динара КОМИЛОВА,
Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг бошлиқ ўринбосари.

*Давлат статистика ҳисоботи шакллари Давстатқўмнинг АВ томонидан 2008 йил 13 декабрда 1880-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

ЭЪЛОН

ДИҚҚАТ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ ЭСЛАТАДИ:

Юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатувчи барча юридик шахслар (ходимларининг ўртача йиллик сони 15 кишидан кам бўлган кичик корхоналар, микрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, бюджет ташкилотлари, нотижорат ташкилотларидан ташқари):

2-ФТХУТ шакли бўйича (ойлик) (иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар кўрсатилиши тўғрисида ҳисобот);

1-Хизматлар шакли бўйича (ойлик) (аҳолига пуллик хизматлар кўрсатилиши тўғрисида ҳисобот) давлат статистика ҳисоботини тақдим этишлари лозим.

Тақдим этиш муддати - ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 3-кунидан кечиктирмай (январь-сентябрь ойлари учун 2009 йилнинг 3 октябргача), юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги туман статистика бўлимига тақдим этилади.


Кўрсатилган ҳисобот шакллари Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базасида турган, ҳолатидан қатъи назар, юқорида саналган: фаолият юритаётган, шаклланиш босқичида бўлган ёки вақтинча фаолият юритмаётган, бундан тугатилганлари мустасно, хўжалик юритувчи субъектлар тақдим этадилар.

Статистика кузатишларини ўтказиш учун зарур бўлган ҳисоботларни тақдим этмаслик, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузишда ифодаланадиган давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддаси билан белгиланган жавобгарликка олиб келади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар:

150-10-03, 150-10-02.

УСТАВНИ ҲУЖАТЛАРНИ ЎЗГАРТИРИШ



Масъулияти чекланган жамиятнинг устави унинг асосий ҳужжати ҳисобланади. Афсуски, жамият муассислари бунга доим ҳам жиддий аҳамият беравермайдилар. Кўпчилик ҳолларда уставнинг намунавий шаклидан фойдаланилиб, унга фирманинг номи, жойлашган жойи, устав капиталининг миқдори ва муассисларнинг фамилиялари қайд этиб кўя қолинади. Давлат рўйхатида олиниб, банкда ҳисоб-китоб рақами очилганидан кейин уставни «унутишди» ва уни кимдир ҳўжалик судида ижрочи орган томонидан тузилган шартнома хусусида низолашганидагина ёки, бундан ҳам ёмони, ёлланма директор битим тузиб, ташқи «босқинчилар» бизнеснинг бир қисмини тортиб олганда эслайдилар. Агар улар буни қонунни бузиб амалга оширсалар, суддаги узоқ «жанглар»дан кейин, эҳтимол, баъзи нарсаларни қайтариб олишга муваффақ бўлинар. Бироқ «тажовузкорлар» таъсис ҳужжатлари номукамаллигидан фойдаланиб, қонун ва уставнинг бирорта бандини ҳам бузмай, мол-мулкни ўзлаштириб олишади...

Жамият устави – соф ижодий ҳужжат. Ушбу ҳужжатда барча деталлар ипидан-игнасиғача ҳисобга олиниши керак. Қонунчилик «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун (2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон, бундан кейин – Қонун) ва Фуқаролик кодексининг МЧЖ фаолиятини тартибга соладиган барча меъёрларини императив ва диспозитив меъёрларга бўлиш мумкинлигига асосланиб, ҳўжалик жамиятнинг таъсис ҳужжатларини тайёрлаётганда «манёвр» учун гоётада хилма-хил имкониятларни назарда тутиш имконини беради.

Императив (қатъий) меъёрлар улардан чекинишга йўл қўйилмайдиган ҳужм берувчи кўрсатмалардан иборат бўлади. Қуйидаги меъёр бунга мисол бўлиши мумкин, унга кўра: «жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги лозим» (Қонун 14-моддасининг иккинчи қисми).

Диспозитив меъёрлар ҳуқуқий муносабатлар субъектларига ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳажми ҳамда хусусияти масаласини ўзлари ҳал этиш имкониятини беради. Бундай ахдлашув мавжуд бўлмаганида, одатда, улардаги кўрсатма амал қила бошлайди. Қуйидаги меъёр бунга мисол бўлиши мумкин, унга кўра: «жамият иштирокчиси, агар жамиятнинг уставида тақиқланган бўлмаса, ўз улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсларга сотиши ёки бошқача тарзда уларнинг фойдасига воз кечиши мумкин» (Қонун 20-моддасининг иккинчи қисми).

Қонун таҳлили унда кўп миқдорда диспозитив меъёрлар борлигини кўрсатади. Бунинг устига уларнинг кўплари ечимнинг иккита эмас, балки иккитадан кўп вариантлари бўлишига йўл қўяди. Амалётда бу муайян МЧЖ учун устав ишлаб чиқаришда иштирокчилар (муассислар) хатти-ҳаракатлари, жамиятнинг ўзи, шунингдек унинг бошқаруви ва назорат органлари фаолиятининг турли хил (иккитадан кам эмас) эҳтимолий вариантларини назарда тутиш мумкинлигини аниқлатади.

Уставнинг барча вариантларини тавсифлаш амалда мушкул, бунинг кераги ҳам йўқ. Фақат уставни тузиш чоғида диспозитив меъёрлар муассисларга қандай имкониятлар беришини таҳлил қилишга уриниб кўрамиз.

ОЛИЙ БОШҚАРУВ ОРГАНИ

МЧЖнинг олий бошқарув органи иштирокчиларнинг умумий йиғилишидир. Қонуннинг унинг ишнни тартибга соладиган моддаларида бир қатор қизиқарли диспозитив меъёрлар мавжуд.

Қонуннинг 31-моддасига мувофиқ жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши жамиятнинг уставида белгиланган муддатларда, лекин йилга камида бир марта ўтказилади. Бунинг маъноси шуки, агар МЧЖ уставида йиғилишларни ҳар чоракда ўтказиш назарда тутилган бўлса, уларнинг ҳаммаси навбатдаги йиғилишлар ҳисобланади. Бу мақсадга мувофиқми? Агар жамият иштирокчилари унда ишламасалар, доимо амал қилувчи бошқарув органи сифатида кузатув кенгаши мавжуд бўлмаса, бу ўзини оқлайди. Бу ҳолда ёлланма ижроия органининг фаолиятини назорат қилиш учун унинг фаолияти

тўғрисида ҳисоботлар тингланадиган умумий йиғилишларни ҳар чоракда ўтказиш ўринли.

Қонун 34-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталдаги) ўз улушига мутаносиб овозлар сонига эга бўлади. Шу билан бирга Қонун жамиятнинг таъсис этиш пайтида жамиятнинг уставидаги биноан ёки жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинган қарорига биноан жамиятнинг уставида ўзгартишлар киритиш йўли билан жамият иштирокчилари овозларининг сонини аниқлашнинг бошқача тартиби белгилаб қўйилиши мумкинлигини ҳам истисно этмайди (Қонун 34-моддасининг бешинчи қисми). Бунга асосланиб, жамият уставида ҳар бир иштирокчи учун, уларнинг устав капиталдаги улушларидан қатъи назар, яқна тартибда овозларнинг муайян миқдорини белгилаш мумкин. Қонун тартибининг муайян масалалари бўйича мутаносиб, бошқа масалалар бўйича эса номуносив овоз беришн назарда тутиш мумкин. Йиғилишнинг уставида назарда тутилган ваколат доирасининг ҳар бир масаласи бўйича ўз овоз бериш усулини аниқлаб олиш мумкин.

МИСОЛ. Икки муассис МЧЖ барпо этишга қарор қилди. Устав меъёрларини муҳокама қилишда манфаатларнинг маълум даражадаги зиддияти юзага келди. Бир муассис учун биринчи навбатда бошқарув назорати муҳим эди. Иккинчи муассис бошқарув назоратини беришга тайёр эди, бироқ олинандиган фойдани тақсимлашда муайян қарорларга эга бўлишни хоҳларди. Ушбу зиддиятни қуйидагича ҳал қилишди: тезкор бошқарув билан боғлиқ иштирокчилар умумий йиғилиши кун тартибининг барча масалалари бўйича биринчи муассис овозларнинг 51%га, иккинчи муассис эса овозларнинг 49%га эга бўлиши белгиланди, соф фойдани тақсимлаш масаласи бўйича эса – аксинча.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Жамият кузатув кенгашини ташкил этиш ва унинг фаолияти, шунингдек аъзолари ва раиси ваколатларини тугатиш тартиби МЧЖ устави билан белгиланади. Шу тариқа, бундай органини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги масаласини ҳал қилишни Қонун муассисларга ҳавола қилади.

МИСОЛ. 17 муассис – 15 жисмоний ва 2 юридик шахс МЧЖ ташкил этишга қарор қилишди. Аввалига жамият кузатув кенгаши ташкил этилди. Бироқ уставда корпоратив ҳавфсизлик мақсадида барча принципал қарорларни иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қабул қилиши назарда тутилганлиги боис, икки ой ўтмасданок бошқарув муаммолари юзага келди. Йиғилишни чақириш ва унда зарур қворумни таъминлаш мушкул эди. Натихада МЧЖда 7 кишидан иборат кузатув кенгаши жорий этилди, унинг ваколатлар доирасига кўп масалалар киритилди. Бошқарув қарорларини қабул қилиш соддалашди.

ЯККАБОШЧИЛИК АСОСИДАГИ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАН

Қонуннинг 39-моддасига кўра жамиятнинг яқкабошчилик асосидаги ижро этувчи органи (директор) жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши

томонидан жамиятнинг уставида белгиланган муддатга сайланади. Бироқ уставда уни сайлаш кузатув кенгашининг ваколатлар доирасига киритилиши мумкин.

Яқкабошчилик асосидаги ижро этувчи органининг ваколатлар ва фаолият муддатини МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиши мустақил равишда белгилайди. У яқкабошчилик асосидаги орган ваколатларини ўзлаштириш ва улардан тўлиқ фойдаланиш учун етарли бўлиши керак. Айни вақтда у ҳаддан ташқари узоқ давом этмаслиги лозим. Энг мақсадга мувофиқ икки йилдан уч йилгача муддатга ваколатлар беришдир.

Жамиятнинг яқкабошчилик асосидаги ижро этувчи органи ваколатлари Қонун 39-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган, унда айтилишича, мазкур орган ушбу Қонун ва жамиятнинг устави билан жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ва жамиятнинг кузатув кенгаши ваколатлари жумласига киритилмаган бошқа ваколатларни амалга оширади. Уставда рўйхатга бошқа ваколатларни: жамият аппарати ходимлари ўртасида функцияларни чеклаш тартибини белгилаш, уларнинг малакасини ошириш чораларини кўриш ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Қонун жамият яқкабошчилик асосидаги ижро этувчи органи ваколатларининг батафсил рўйхатини келтирмай, уларни МЧЖ иштирокчиларининг ўзлари мустақил белгилашлари учун имконият қолдиради.

ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

МЧЖ тафтиш комиссиясини тузиш ва унинг фаолияти худди кузатув кенгаши сингари диспозитив меъёрлар билан тартибга солинган. Масалан, Қонун 45-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жамиятнинг уставида жамиятнинг тафтиш комиссиясини тузиш (тафтишчисини сайлаш) назарда тутилиши мумкин. Ун беш нафардан ортик иштирокчиси бўлган жамиятларда жамиятнинг тафтиш комиссиясини тузиш (тафтишчисини сайлаш) шарт.

Қонун тафтиш комиссияси сайланандиган муддатни батафсил тартибга солмайдди. Шу сабабли ҳар бир МЧЖ уни ҳам, тафтиш комиссиясининг аъзолари миқдорини ҳам мустақил равишда белгилаши мумкин.

МУАССИСЛАРГА БАЪЗИ МАСЛАҲАТЛАР

Қонундаги диспозитив меъёрлар тўғрисида кўп сўзлаш мумкин. Бироқ ҳатто мазкур мақолада уларни қисқача таҳлил қилиш намунавий уставни сотиб олиш ва уни ўзининг МЧЖга тўғрिलाш керак эмаслигини кўрсатади. Энг яхшиси муайян корхонанинг ўзига хос жиҳатларини ва унинг муассислари манфаатларини акс эттирадиган ўз устави тайёрлашдир.



«Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддаси билан белгиланишича, жамият мол-мулкни қийматининг йигирма беш фоизидан ортик қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши, тасарруфидан чиқариши билан боғлиқ бўлган битим йирик битим деб ҳисобланади. Уни тузиш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

МЧЖ раиси жамият мол-мулкни қийматининг 25 фоизидан кам қийматга эга бўлган мол-мулкни реализация қилиш тўғрисида бир ўзи қарор қабул қилишга ва битимни расмийлаштиришга ваколатлими?

Т.Худойбердиев.

ДИРЕКТОРГА ВАКОЛАТЛАР БЕРИНГ

– «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг (2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон, бундан буён – Қонун) 39-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, раис жамиятнинг яқкабошчилик асосидаги ижро этувчи органи ҳисобланади. Яқкабошчилик асосидаги ижро этувчи органи: жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва битимлар тузади;

жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар беради; жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қилади, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллаиди; ушбу Қонун ва жамиятнинг устави билан жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ва жамиятнинг кузатув кенгаши ваколатлари жумласига киритилмаган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қонунда яқкабошчилик асосидаги ижро этувчи орган ваколатларининг батафсил рўйхати келтирилмай, уларнинг жамият иштирокчилари томонидан мустақил белгиланиши учун имконият қолдирилган. Масалан, жамият устави, яқкабошчилик асосидаги ижро этувчи орган ёки яқкабошчилик асосидаги ижро этувчи органининг ваколатлар доирасини белгилайдиган бошқа ички ҳужжатда жамият директори (раиси):

бундай битимни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш санасида жамият активлари баланс қийматининг _____%идан ошмайдиган суммада жамият мол-мулкни тасарруф қилишини назарда тутиш мумкин.

Шу тариқа, юқорида кўрсатилган Қонуннинг 39-моддасига ва уставингизга мувофиқ раис жамият мол-мулкни қийматининг 25%идан кам қийматга эга бўлган мол-мулкни реализация қилиш тўғрисида битимни тузишга ваколатли бўлади.



Фуқаролик кодексининг 218-моддасига мувофиқ улушли мулкдаги мол-мулк унинг барча иштирокчиларининг келишуви билан тасарруф этилади. «Нишон» қишлоқ ҳўжалиги кооперативи ҳиссадорлари – муассислари умумий йиғилишининг қарори билан кооператив устави тасдиқланган, унда раисга мол-мулкни тасарруф этиш ваколатлари берилган. У шунга асосан кооператив балансида турган мол-мулкни реализация қилиш тўғрисидаги битимни имзолашга, яъни 1,6 млн сўмлик акцияларни яқна тартибда сотишга ваколатлими? Ҳозирги ҳолатда Фуқаролик кодекси 218-моддасининг талабларига риоя қилинган деб ҳулоса чиқариш мумкинми?

Ушбу масала бўйича газетангиз саҳифаларида тушунтириш берсангиз.

Т.Худойбердиев.
Қарши шахри.

КИМ КООПЕРАТИВ АКЦИЯЛАРИНИ СОТАДИ?

– Агар ҳиссадор (пайчилар) умумий йиғилишининг қарори билан қабул қилинган уставда раисга мол-мулкни тасарруф этиш ваколатлари берилган бўлса, Фуқаролик кодекси 218-моддасининг талабларига риоя этилган бўлади, чунки «Кооперация тўғрисида»ги Қонуннинг (1991 йил 14 июндаги 295-XII-сон) 5-моддасига мувофиқ, кооперативнинг устави кооператив таъсис этишни истаган фуқароларнинг умумий йиғилишида ёки юридик шахслар мухтор вакилларининг йиғилишида қабул қилинади.

Бироқ у амалга ошириш ниятида бўлган битимнинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, қуйидаги шартларни бажаришга эътиборни қаратган маъқул:

кооператив уставида муайян тур-

даги битимларни тузишга тақиқнинг йўқлиги. Масалан, раис фақат кооператив аъзолари кўпчилик овозларининг розилиги олингандан кейин тузиши мумкин бўлган, кооператив соф активларининг _____%идан ошадиган қийматга эга бўлган битимларни; ёки кооператив аъзоларининг камида _____% овози розилигини олмадан туриб кооперативга тегишли бўлган қимматли қоғозлар билан битимларни тузишга тақиқ йўқлиги;

хизмат кўрсатувчи депозитарийнинг анкетаси ва карточкасида кооператив раисининг нотариал тасдиқланган имзо намунаси мавжудлиги (АВ томонидан 1999 йил 1 декабрда 844-сон билан рўйхатдан ўтказилган Депозитар ҳисоб ва ҳисоботнинг ягона қодалари (стандартлари) 34-банди);

агар кооператив ёпиқ акциядорлик жамиятининг акцияларига эгалик қилса, ушбу жамият акциядорлари томонидан қимматли қоғозларни харид қилишининг устувор ҳуқуқига риоя этилиши (1996 йил 26 апрелдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223-I-сон Қонуннинг 7-моддаси).

Агар юқорида айтилган барча хусусиятлар ҳисобга олинган бўлса, раис мазкур битимни кооператив номидан тузишга тўлиқ ҳуқуқли бўлади.

NORMA Мақола электрон маълумотнома тизим материаллари асосида тайёрланди

КОРХОНА ЮРИСТИ

Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Х.Олимжон майдони, 10а-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс:(998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИЛИКЛАР ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «О дополнительных мерах по ускорению процесса реализации объектов муниципальной собственности хокимията города Ташкента».

• ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

- ЎзР молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (24-сонли БҲМС) «Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи;
- ЎзР ИВ, МВ, ТИАИСВ, ДБКнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

ПОСТАНОВЛЕНИЕ

КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

О ДОПОЛНИТЕЛЬНЫХ МЕРАХ ПО УСКОРЕНИЮ ПРОЦЕССА РЕАЛИЗАЦИИ ОБЪЕКТОВ МУНИЦИПАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ ХОКИМИЯТА ГОРОДА ТАШКЕНТА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 36-сон, 393-модда)

В целях подготовки к празднованию 2200-летнего юбилея города Ташкента, а также создания благоприятных условий для развития малого бизнеса и частного предпринимательства, Кабинет Министров **постановляет:**

1. Согласиться с предложением хокимията города Ташкента об утверждении, согласно приложению*, обновленного перечня объектов муниципальной собственности, подлежащих реализации через биржевые торги, с применением в установленном порядке механизма поэтапного снижения их цены к первичной стоимости и с условием внесения инвестиций и создания новых рабочих мест.

2. Принять к сведению, что:

объекты, указанные в приложении, будут реализованы через биржевые торги в соответствии с требованиями Положения о порядке реализации государственных активов через биржевые торги, утвержденного постановлением Кабинета Министров от 29 января 2009 г. № 27;

средства, поступающие от реализации объектов, за исключением части средств остающихся в распоряжении Госкомимущества Республики Узбекистан, а также расходов, связанных с услугами оценочной организации и по

выставлению объектов на биржевые торги, распределяются в соответствии с постановлениями Кабинета Министров от 9 июля 2007 г. № 140 и от 6 августа 2008 г. № 172.

3. Признать утратившими силу:

пункт 1 постановления Кабинета Министров от 9 июля 2007 г. № 140 «О мерах по улучшению жилищно-коммунальных условий населения города Ташкента» и приложение к нему;

пункт 1 постановления Кабинета Министров от 6 августа 2008 г. № 172 «О мерах по дальнейшему улучшению жилищно-коммунальных условий населения города Ташкента» и приложения №№ 1 и 2 к нему.

4. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Б.А.Ходжаева.

**Премьер-министр
Республики Узбекистан
Ш.МИРЗИЯЕВ.**

г. Ташкент,
30 августа 2009 г.
№ 253.

*Илова берилмайди.

Тахририятдан – Илова билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ (24-СОНЛИ БҲМС) «ҚАРЗЛАР БҲИЧА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ»НИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 18 августда рўйхатга олинган.
Рўйхат рақами 1996-сон.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 35-сон, 388-модда)

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда) 5-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1992 й., 12-сон, 37-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги нозомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (24-сонли БҲМС) «Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кирилади.

**Молия вазирин
Р.АЗИМОВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 5 август
79-сон.

*2009 йил 28 августдан кучга кирилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ 24-СОНЛИ БҲМС ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ

Мазкур Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС) «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда) мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизимининг элементи ҳисобланади.

I. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1. Мазкур БҲМСнинг мақсади бўлиб, суғурта ташкилотлари, банklar ва бошқа кредит ташкилотларидан ташқари ташкилий-ҳуқуқий шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектларда (бундан кейинги ўринларда хўжалик юритувчи субъект деб юритилади) қарзлар бўйича харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби услубиётини ва улар тўғрисида маълумотларни очиб беришни белгилаш ҳисобланади.

2. Мазкур БҲМС мажбурият сифатида қаралмайдиган хусусий капиталга (жумладан имтиёзли акцияларга) нисбатан қилинган ҳақиқий ёки кўзда тутилаётган харажатларга қўлланилмайди.

3. Мазкур БҲМСда қўлланиладиган асосий тушунчалар: **квалификацияланган актив** – белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш ёки сотиш учун тайёрлаш албатта салмоқли вақтни талаб қиладиган актив;

қарзлар бўйича харажатлар – хўжалик юритувчи субъект томонидан қарз маблағларини олиши сабабли амалга оширилган фоизли ва бошқа харажатлар.

4. Қарзлар бўйича харажатлар куйидагиларни ўз ичига олади:

а) банklar ва кредит ташкилотларидан олинган қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзлар бўйича фоизлар;

б) қарзлар билан боғлиқ бўлган дисконтлар (чегирмалар) ёки мукофотлар (устамалар), шу жумладан облигацияга тегишли дисконтлар (чегирмалар) ёки мукофотларнинг (устамаларнинг) ҳисобдан чиқарилиши;

в) Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сонли БҲМС) «Ижара ҳисоби»га (рўйхат рақами 1946, 2009 йил 24 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 17-сон, 220-модда) мувофиқ бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган молиявий ижара ва/ёки лизингга тааллуқли бўлган тўловлар.

5. Аниқ бир вазиятларга боғлиқ равишда, белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш ҳолатига келтирилиши салмоқли вақтни талаб этадиган куйидаги активлар квалификацияланадиган активлар бўлиб ҳисобланиши мумкин: бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқариш машиналари ва ускуналари, номоддий активлар, электр станциялари, инвестиция кўчмас мулки ва шу кабилар. Бошқа турдаги инвестициялар ва ҳар куни катта миқдорларда, қайта такрорланадиган асосда ишлаб чиқариладиган товар-моддий захиралари, гарчанд уларнинг ишлаб чиқарилиши узоқ муддатни талаб этган тақдирда ҳам (масалан, виски, вино, коньяк ва шу кабиларни ишлаб чиқариш) квалификацияланадиган актив бўлиб ҳисобланмайди.

6. Харид қилиш пайтида белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш учун ёки сотиш учун тайёр бўлган активлар квалификацияланган актив бўлиб ҳисобланмайди.

7. Ер майдони квалификацияланган актив бўлиб ҳисобланмайди. Бироқ, агарда ер майдонида бирор-бир ер тузилиш ишлари амалга оширилаётган бўлса, қарзлар бўйича харажатларни ер майдони қийматига қўшиш мумкин, чунки ушбу харажатлар мазкур ер майдонини фойдаланишдан ёки уни сотишдан олинган даромадлар билан солиштирилади (қопланади).

8. Агар ер майдони харид қилиб олинган ва ер тузилиш ишлари бино ёки иншоотларни қуриш мақсадида амалга оширилаётган бўлса, бундай ҳолларда қарзлар бўйича харажатлар ер майдони қийматига эмас, балки қурилаётган объектлар қийматига қўшилиши лозим.

II. ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИНИНГ ТАРТИБИ

1-§. ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАРНИНГ ТАН ОЛИНИШИ

9. Қарзлар бўйича харажатлар, мазкур бобнинг 2-параграфига мувофиқ капитализация қилинадиган қисмидан ташқари қолган қисми, улар амалга оширилган даврнинг харажатлари (молиявий фаолият бўйича харажатлар) сифатида тан олинади лозим.

10. Квалификацияланган активни харид қилиш, қуриш ёки ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган қарзлар бўйича харажатлар ушбу активнинг таннарихига олиб бориш йўли орқали капитализация қилиниши лозим.

11. Қарзлар бўйича харажатлар квалификацияланган активнинг қийматига қўшиш йўли билан капитализация қилинади, агарда ундан хўжалик юритувчи субъект келгусида иқтисодий манфаатлар олиши мумкин бўлса ва агар бунда харажатларни ишончли ўлчаш имконияти мавжуд бўлса.

2-§. КАПИТАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ УЧУН РУХСАТ ЭТИЛГАН ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР

12. Квалификацияланган активни харид қилиш, қуриш ёки ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган қарзлар бўйича харажатлар – бу, агар тегишли актив учун харажатлар амалга оширилмаган тақдирда, вужудга келмаслиги мумкин бўлган қарзлар бўйича харажатлардир. Аниқ бир квалификацияланган активни харид қилиш учун хўжалик юритувчи субъект маблағларни айнан шу мақсадда четдан жалб қилган ҳолларда, ушбу актив билан бевосита боғлиқ бўлган қарзлар бўйича харажатлар аниқ равишда белгилашни (ўрнатилиши) мумкин.

13. Аниқ бир қарз ва квалификацияланган актив ўртасида бевосита боғлиқликни аниқлаш ва тесқари ҳолатда жалб қилмаслик мумкин бўлган қарзларни аниқлаш қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Мазкур турдаги қийинчиликлар куйидаги ҳолларда:

хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти марказлаштирилган тартибда мувофиқлаштирилган бўлса;

хўжалик юритувчи субъектлар гуруҳи турли фоиз ставкалари бўйича қарз маблағларини олиш учун қатор қарз мажбуриятларидан фойдаланса ва ушбу маблағларни гуруҳга кирувчи хўжалик жамиятларига турли асосларда қарзга берса, пайдо бўлиши мумкин.

Мазкур ҳолат валюта курсларининг тебранишида, шунингдек юқори инфляция шароитида чет эл валютасида деноминация қилинган ёки унга боғланган қарзлар гуруҳ томонидан фойдаланган ҳолларда янада мушкуллашади. Булар натижасида квалификацияланган активни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган қарз маблағларидан фойдаланиш бўйича харажатлар миқдорини аниқлаш қийинлашади ва у хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг профессионал мулоҳазасига асосланган баҳолашни талаб этади.

14. Квалификацияланган активни харид қилиш учун махсус жалб қилинган қарз маблағлари доирасида мазкур актив бўйича капитализация қилиш учун рухсат этилган қарзлар бўйича харажатлар суммаси, ушбу қарз бўйича давр мобайнида қилинган ҳақиқий харажатлардан ушбу қарз маблағларини вақтинчалик инвестиция қилишдан олинган ҳар қандай инвестиция даромади суммасини чегириб ташлангандан сўнг қолган сумма сифатида аниқланиши лозим.

15. Квалификацияланган активни молиялаштириш бўйича келишувлар хўжалик юритувчи субъект томонидан қарз маблағларини олишга ва ушбу маблағларнинг бир қисми ёки ҳаммаси квалификацияланган актив учун қилинган харажат сифатида ишлатилишидан олдин, улар билан боғлиқ бўлган харажатларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Бундай шароитларда қарз маблағлари кўп ҳолларда, улар квалификацияланган актив учун сарфлангунга қадар вақтинча инвестиция қилиниши мумкин.

16. Давр мобайнида капитализация қилиш учун рухсат этилган қарзлар бўйича харажатлар суммасини аниқлашда бундай маблағлардан олинган ҳар қандай инвестиция даромади амалга оширилган қарзлар бўйича харажатлар суммасидан чегириб ташланади.

17. Умумий мақсадларда жалб қилинган ва квалификацияланган активни харид қилиш учун фойдаланилган қарз маблағлари доирасида капитализация қилиш учун рухсат этилган қарзлар бўйича харажатлар суммаси ушбу актив учун амалга оширилган харажатларга нисбатан капитализация ставкасини қўллаш орқали аниқланиши лозим.

18. Квалификацияланган активни харид қилиш учун махсус олинган қарзлардан ташқари, давр мобайнида ҳўжалик юритувчи субъектнинг қопланмай қолган қарзларига нисбатан ҳисобланган қарзлар бўйича харажатларнинг ўртача тортилган миқдори капитализация ставкаси бўлиб ҳисобланади.

19. Давр мобайнида капитализация қилинган қарзлар бўйича харажатлар суммаси ушбу давр мобайнида амалга оширилган қарзлар бўйича харажатлар суммасидан ошиб кетмаслиги лозим.

20. Консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузишда қарзлар бўйича харажатларнинг ўртача тортилган миқдорини ҳисоблаш мақсадида бош ва шўба ҳўжалик жамиятларининг барча қарзларини киритиш мумкин ёки бошқа шароитларда ҳар бир шўба ҳўжалик жамияти учун мазкур шўба ҳўжалик жамиятининг қарз маблағларига нисбатан ҳисобланган қарзлар бўйича харажатларнинг ўртача тортилган миқдорини қўллаш мумкин.

3-§. КВАЛИФИКАЦИЯЛАНГАН АКТИВ БАЛАНС ҚИЙМАТИНИНГ УНИНГ ЖОРИЙ ҚИЙМАТИДАН ОШИБ КЕТИШИ

21. Квалификацияланган активнинг баланс қиймати ёки қўзланган якуний таннархи унинг жорий қийматидан ёки соф сотиш қийматидан ошиб кетса, унинг баланс қиймати бухгалтерия ҳисоби бўйича қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ қисман ёки тўлиқ ҳисобдан чиқарилади. Бунда, айрим ҳолатларда квалификацияланган актив қийматининг илгари амалга оширилган қисман ҳисобдан чиқарилган миқдори бухгалтерия ҳисоби бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта тикланиши мумкин.

4-§. ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАРНИ КАПИТАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ БОШЛАНИШИ

22. Ҳўжалик юритувчи субъект қарзлар бўйича харажатларни капитализация қилишни квалификацияланган актив таннархининг бир қисми сифатида капитализация қилишни бошлаш санасидан бошлаб амалга ошириши лозим. Капитализация қилишни бошлаш санаси бўлиб, ҳўжалик юритувчи субъект бир вақтнинг ўзида биринчи марта қуйида келтирилган шартларнинг барчасига мувофиқ келиш санаси ҳисобланади:

мазкур актив бўйича харажатларни амалга оширганда; қарзлар бўйича харажатларни амалга оширганда; активни белгиланган мақсади бўйича ишлатишга ёки сотишга тайёрлаш учун зарур бўлган фаолиятни амалга оширганда.

23. Квалификацияланган актив учун қилинган харажатлар фақатгина пул тўловларида, бошқа активларни ўтказиб беришда ёки фоизли мажбуриятларни қабул қилишда ифодаланган харажатларни ўз ичига олади. Харажатлар мазкур актив билан боғлиқ оралиқ тўловлар ва Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (10-сонли БҲМС) «Давлат субсидиялари ҳисоби ва давлат ёрдамининг очиб берилиши»да (рўйхат рақами 562, 1998 йил 3 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 й., 6-сон) кўзда тутилган тартибда олинган субсидиялар миқдорига камайтирилади.

24. Илгари капитализация қилинган қарзлар бўйича харажатларни ўз ичига олган давр давомидаги активнинг ўртача баланс қиймати одатда ушбу даврда капитализация ставкаси қўлланиладиган харажатларнинг асосланган тахминий қийматиغا тенг бўлади.

25. Активни белгиланган мақсадларда ишлатишга ёки сотишга тайёрлаш учун зарур бўлган фаолият нафақат активнинг ўзини жисмоний яратишини ўз ичига олади. Унга

активни жисмоний яратишни бошлашдан олдин амалга ошириладиган техник ва маъмурий ишлар ҳам киради, масалан, қурилишни бошлаш учун зарур бўлган рухсатни олиш билан боғлиқ фаолият. Бирок, бундай фаолиятга активга эгалик қилиш тааллуқли эмас, агарда бунда унинг ҳолатини ўзгартирувчи ишлаб чиқариш ёки модификация бўлмаса. Масалан, қурилиш учун ерни тайёрлаш ишлари амалга оширилган даврда қарзлар бўйича амалга оширилган харажатлар ушбу ишларни амалга ошириш даври давомида капитализация қилинади. Бирок, келгусида қурилиш учун сотиб олинган ер, унда ҳеч қандай тайёрлаш ишлари олиб борилмасдан эгалик қилиб турилган даврдаги қарзлар бўйича харажатлар капитализация қилинмайди.

5-§. ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАРНИ КАПИТАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ

26. Ҳўжалик юритувчи субъект квалификацияланган активни тайёрлаш бўйича фаол ҳаракатни тўхтатган давомий даврлар мобайнида қарзлар бўйича харажатларни капитализация қилишни тўхтатиши лозим.

27. Ҳўжалик юритувчи субъект активни белгиланган мақсадда ишлатишга ёки сотишга тайёрлаш учун зарур бўлган фаолиятни тўхтатиб турган давомий даврларда ҳам қарзга олинган маблағлар бўйича харажатлар қилиши мумкин. Бундай харажатларга капитализация қилиш сифатида турқумланмайдиган тугалланмаган қурилишни сақлаб туриш харажатлари киради. Бирок, одатда ҳўжалик юритувчи субъект асосий (зарурий) техник ва маъмурий ишларни амалга ошираётган даврда қарзлар бўйича харажатларни капитализация қилишни тўхтатмайди.

28. Вақтинчалик тўхтатиб туриш активни белгиланган мақсадда ишлатишга ёки сотишга тайёрлаш жараёнининг бир қисми бўлиб ҳисобланганда ҳам қарзлар бўйича харажатларни капитализация қилиш тўхтатилмайди. Масалан, захираларни етарли даражада йиғиш даврида ёки сувнинг юқори даражада бўлиши кўприк қурилишини кечиктирганда, агар ушбу географик ҳудуд учун қуришни белгиланган даври давомида сувнинг бундай юқори даражада бўлиши одатий ҳол бўлса, қарзлар бўйича харажатларни капитализация қилиш давом эттирилади.

6-§. ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАРНИ КАПИТАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИ ТУГАТИШ

29. Ҳўжалик юритувчи субъект активни белгиланган мақсадда ишлатишга ёки сотишга тайёрлаш учун зарур бўлган барча ишлар тугатилганда қарзлар бўйича харажатларни капитализация қилишни тугатиши лозим.

30. Агар кунлик маъмурий ишлар ҳали ҳам давом этаётган бўлишига қарамай, уни жисмоний яратиш тугатилган бўлса, одатда объект белгиланган мақсадда ишлатишга ёки сотишга тайёр деб ҳисобланади.

31. Агарда квалификацияланадиган активни қуриш қисмлар бўйича тугатилганда ва ҳар бир қисмни бошқа қисмларни қуриш давомида ишлатиш мумкин бўлса, ҳўжалик юритувчи субъект активнинг ушбу қисмини белгиланган мақсадда ишлатишга ёки сотишга тайёрлаш учун зарур бўлган барча ишларни тугатганда, қарзлар бўйича харажатларни капитализация қилиш тугатилиши шарт. Масалан, ҳар бири алоҳида ишлатишга яроқли бўлган бир неча бинолардан иборат бўлган бизнес-марказ квалификацияланадиган актив ҳисобланади ва ундаги ҳар бир қисм бошқа қисмларни қуриш ҳали давом этаётган пайтда ишлатилиши мумкин бўлса. Ташкилий қисмларидан ҳар қайсиси алоҳида ишлатилиши мумкин бўлишидан олдин тўлиқ тугатилиши лозим бўлган квалификацияланадиган активга бир майдонда жойлашган, корхонанинг турли цехларига кетма-кетлик билан амалга ошириладиган бир неча ишлаб чиқариш жараёнларини бирлаштирадиган саноат корхонаси мисол бўлиши мумкин.

III. МАЪЛУМОТНИ ОЧИБ БЕРИШ

32. Ҳўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботда қуйидаги маълумотларни очиб бериши лозим:

а) давр давомида капитализация қилинган қарзлар бўйича харажатлар миқдори;

б) капитализация қилиш учун татбиқ этилган қарзлар бўйича харажатлар ҳажмини аниқлашда қўлланилган капитализация ставкаси.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ,
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ БОЖХОНА КЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИГА ОЛИБ КИРИШДА ИМПОРТ БОЖХОНА
БОЖИ ВА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИГИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИГАН ТЕХНОЛОГИК
ЖИХОЗЛАР, БУТЛОВЧИ БУЮМ ВА ЭХТИЁТ ҚИСМЛАР РЎЙХАТИГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1802-2.*

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 36-сон, 396-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 14 мартдаги ПФ-3860-сон Фармонининг 5-бандига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 11-сон, 96-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона кўмитасининг 2008 йил 2 майдаги 52, 46, ЭГ-01/19-2784 ва 01-02/8-38-сон

қарори (рўйхат рақами 1802, 2008 йил 3 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 19-сон, 163-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар Рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири
С.БЕКЕНОВ.**
80-сон

**Молия вазири
Р.АЗИМОВ.**
84-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири
Э.ҒАНИЕВ.**
ЭГ-в-01/10-5247-сон

**Давлат божхона
кўмитаси раиси
С.НОСИРОВ.**
01-02/20-21-сон

Тошкент ш., 2009 йил 15 август.

*2009 йил 9 сентябрдан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар
ва савдо вазирлиги, Давлат божхона кўмитасининг 2009 йил 15 августдаги 80, 84,
ЭГ-в-01/10-5247, 01-02/20-21-сон қарорига
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИГА ОЛИБ КИРИШДА
ИМПОРТ БОЖХОНА БОЖИ ВА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИГИДАН
ОЗОД ҚИЛИНАДИГАН ТЕХНОЛОГИК ЖИХОЗЛАР, БУТЛОВЧИ БУЮМ ВА ЭХТИЁТ ҚИСМЛАР
РЎЙХАТИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. «ТИФ ТН коди (2007 йил версияда)» графасида:
18-қаторда «8421» сонлари «8421 ***» сонлари билан алмаштирилсин;

39-қаторда «8443 (8443 31 — 8443 99 дан ташқари)» сўзлари «8443*** (8443 31 — 8443 99 дан ташқари)» сўзлари билан алмаштирилсин;

40-қаторда «8444 00» сонлари «8444 00 ***» сонлари билан алмаштирилсин;

41-қаторда «8445» сонлари «8445 ***» сонлари билан алмаштирилсин;

42-қаторда «8446» сонлари «8446 ***» сонлари билан алмаштирилсин;

43-қаторда «8447» сонлари «8447 ***» сонлари билан алмаштирилсин;

44-қаторда «8448» сонлари «8448 ***» сонлари билан алмаштирилсин;

45-қаторда «8449 00 000 0» сонлари «8449 00 000 0 ***» сонлари билан алмаштирилсин;

46-қаторда «8451» сонлари «8451 ***» сонлари билан алмаштирилсин;

47-қаторда «8452 21 000 0, 8452 29 000 0» сонлари «8452 21 000 0 ***, 8452 29 000 0 ***» сонлари билан алмаштирилсин.


2. Қуйидаги мазмундаги 84¹ и 84²-қаторлар билан тўлдирилсин:

84 ¹	9011 10 900 0, 9011 80 000 0	Микроскоп, трихоноскоп
84 ²	9012 10 900 0	Микроскоп рақамли универсал ИМЦ, БМУ

3. Қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:
«*** Импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғи тўлови бўйича имтиёзлар, шунингдек, божхона расмийлаштируви вақтида ишлаб чиқарилган йили 3 йилдан ортиқ бўлган тўқимачилик соҳаси корхоналарини ташкил этиш, модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари учун корхоналар томонидан тўғридан-тўғри инвестиция ҳисобига корхона устав фондида улуш сифатида келтириладиган технологик ускуналарга қўлланилади.

Имтиёзларни қўллаш учун қуйидагилар асос бўлади:
«Ўзбекенгилсаноат» ДАК ва «Ўзенганлойиҳа» МЧЖнинг келтириладиган ускунанинг замонавий технологиялар талабларига ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаши тўғрисидаги эксперт хулосаси;
импорт қилинадиган ускуналар ўрнатиладиган корхонанинг, ушбу ускуналарни корхона устав фондида улуш сифатида киритилишини кўрсатадиган таъсис ҳужжатлари.

Кўрсатиб ўтилган хулосалар (ҳужжатлар) ускуналарни эркин муомалага чиқариш режимида божхона расмийлаштируви вақтида БЮД билан бирга тақдим этилиши зарур».



TOP

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 39 (220) 2009 йил 28 сентябрь



SANAY Co.Ltd

«SANAY» ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

КАФЕЛЬ


сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай усқунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги
омбордан сотилади

pr_8-01-01



Тўлов – исталган
шаклда

Тошкент ш., Хамза тумани,
Султонали Машҳадий кўч., 210
(мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел: 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

Бўлғуси тақдимот маросимлари,
кўرғазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги
матбуот-релизлари,
хабарнома-таклифномаларни
«Норма маслаҳатчи» таҳририятининг реклама
хизматиға 237-51-33 телефон-факси
орқали жўнатишингиз мумкин.

TOSOL АНТИФРИЗ

A-30, A-40, A-65

ва АМ-концентрат


1, 2,5, 5 кг лик канистралар,
200 кг лик бочкаларда

Тўлов НАҚД ПУЛСИЗ
ХИСОБ-КИТОБ ВА ПЛАСТИК
КАРТЧКАЛАР БИЛАН

Сақлаш муддати – 5 йил

«TOSOL-N» МЧЖ

Музламайдиган, совуғувчи суоқликни
тўғридан-тўғри етказиб бериш



Товар патентланган ва сертификатланган

«TOSOL-N» МЧЖ – TOSOL-антифризининг ягона ишлаб чиқарувчиси.

Маҳсулот моноэтиленгликоль асосида тайёрланиб, ASTM D 3306-79 антифризи (АҚШ)нинг аналогига ҳисобланади. Мосламаларнинг юқори технологик пакети туғайли занглашининг барча турида совуғиш тизимининг юқори самарали ҳимоясини таъминлайди. Таркибида фосфатлар, нитритлар, аминлар мавжуд эмас. Латунь, мис, лигерланган пулат, чуян, алюмин, руҳли қотишмаларға нейтрал. А, Premium, BUSINESS тоифасидаги ҳамда юқори форсажли дизель двигателиға эға бўлган автомобиллар талабларига жавоб беради.

Манзилимиз: Тошкент ш., Исмоил ота кўч., 1
Тел.: 300-64-14, 140-03-81, 268-14-26, 127-92-42

РАСМИЙ ДИЛЕР ГРУППА



УРАЛ

«Урал» автомобиль
заводи ОАЖ

Сотиш, сервис, лизинг, кафолат

Тел.: + (998 71) 2737214, 2732158. Факс 273-6965. E-mail: info@network.uz

Хизматлар лицензияланган

Товар сертификатланган



Металлда жамланган қувват!



ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

TOP

237-51-33
237-47-20
237-47-05



Asia Auto Alliance



Товар сертификатланган
H506
Тўлов – исталган шаклда



«Asia Auto Alliance»
Volkswagen нинг

Das Auto

Ўзбекистондаги расмий дилери

БУТУН МОДЕЛЬ ҚАТОРИНИ СОТАДИ

Манзил: Тошкент ш., А.Темур кўч., 77а
Т.: 320 50 00, 411 44 11, (+998 71) 140 78 78

«БЕНЗОД YUM» ХК

2000 дан
ортиқ номдаги
товарлар


Улгуржи ва
чакана савдо

Канцелярия
ва хўжалик
товарлари



Тел. 233-54-11, факс 236-12-43. E-mail: behzod_yum@mail.ru
Манзил: Хамза тумани, Тўйтепа кўчаси, 1-уй (мўлжал – вино заводи)

Alterna



H 2320

КАНЦТОВАРЛАР

Буюртмага

ҳаммаси уй ва офис учун

Тошкент ш.,
Бунёдкор шоҳкўч., 6А
www.alterna.uz

245 33 77

245 77 88

Товар сертификатланган 378 30 18

- ▶ ҚОҒОЗЛАР
- ▶ ФАКСЛАР
- ▶ ТЕЛЕФОНЛАР
- ▶ ТАШК.ТЕХНИКА
- ▶ МЕБЕЛЬ

УЛГУРЖИ

3 турдаги
тўлов

• РЎЙХАТЛАР

*Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 16 сентябрдаги қарорларига асосан

Собир Раҳимов туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Раҳбар исм-шарифи	Манзили	Қарор рақами
"АЗАМАТ-СД" ИЧТФ	200652007	И.Муратов	Уйгур кўч., Оқтепа тор кўч., 19	10-0917/13336
"MILL AND GRAIN" ХК	300779295	М.Максудов	Себзор, 10-20	10-0917/13337
"ZULAYXO SERVIS" МЧЖ	301000710	А.Нижметова	Боғ кўча, 25-8	10-0917/13338
"CENTRAS TECHSERVIS" МЧЖ	300893432	Ш.Алимов	Зангиота т., Иттифоқ ш/б,	
"EAST FM RADIO" МЧЖ	206981124	А.Маҳмудов	Навбахор кўч., 3/10	10-0917/13339
"NEYROMEDICAL SERVICE" МЧЖ	206982304	З.Ибодуллаев	Чилонзор-Ц, 27-24	10-0917/13340
"FERUZA GOLDEN MAK" МЧЖ	300779256	С.Пирмухамедова	Ходжаев мавзе, 2-29	10-0917/13341
"PRESS FOOTBALL CLUB" ХК	206977199	Д.Расулова	Самарқанд дарбоза, Уроқ кўч., 17	10-0917/13342
"INTER DRUJBA" МЧЖ	205002154	С.Ахмедова	Форобий кўч., 98	10-0917/13343
"ROM-GROUP INTERNATIONAL" МЧЖ	206991634	Ш.Каримов	Кўргонтепа кўч., 261	10-0906/13406
"IMPERIYA UDACHI" МЧЖ	300764798	А.Коконбаев	Мураббий кўч., 1	10-0906/13407
			Қори Ниёзов кўч., 9-27	10-0906/13410

Мақкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Собир Раҳимов тумани ҳокимияти махсус комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 227-15-73, 228-68-90, 228-07-54.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 21 сентябрдаги 10-0907/14491-сонли ажримига асосан Яққасарой туманидаги "SULAYMON TOG" ХК (юридик манзили: Кунаев кўчаси, 6-уй) бўйича банкротлик кузатув жараёни бошланган. Мақкур корхонанинг банкротлик иши бўйича суд мажлиси муҳокамаси 2009 йил 2 октябрь соат 10.00 да Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, ба-уй, Яққасарой туман ДСИ биноси, 412-хонада бўлиб ўтади. Ушбу корхона кредиторларининг 1-йигилиши 2009 йил 2 октябрь соат 10.00 да Яққасарой туман ДСИ биносида куйидаги манзил бўйича ўтказилади: Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, ба-уй, 4-қават, 412-хона. Тел.: 250-30-77, 250-31-50.

ПЛАСТИК ДЕРАЗА ТОКЧАЛАРИ **Эхилрангли**

Хизматлар лицензияланган
H2309

Т.: (998 71) 233-85-25, 236-21-97

Тўлов пул ўтказиш йўли билан
Улгуржи харидорларга чегирмалар

“Интеграл стар” ХК таклиф қилади

“ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

Хизматлар лицензияланган
Товарлар сертификатланган

Тўлов - исталган шаклда

ассортиментда

Тел. 104-84-10, 303-16-46 факс 274-66-77

Ташкилот нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича куйидагиларни сотади

◆ ЛИФТЛАР 100 дан 5000 кг гача

◆ **ТИКИНЛИ АРМАТУРА: ЗУЛФИНЛАР, ВЕНТИЛЛАР, ЗАТВОРЛАР, КЛАПАНЛАР**

- ◆ Дизель кўчма электростанцияси 60 кВт
- ◆ ВКР, ВО, ВЦ, “Самал” вентиляторлари
- ◆ Электр ва қўл насослари
- ◆ КТЦ саноат кондиционерлари
- ◆ Электроталлар, кран-балкалар
- ◆ Муз генератори
- ◆ “Россиянка” электр плиталари (4 конфоркали ва духовка)
- ◆ Зангламас қувурлар $\varnothing 57$, эни 4 мм, $\varnothing 10$, эни 2 мм
- ◆ Кир ювиш барабани, ФЯР, ФПУ ҳаво филтрлари
- ◆ КИД, КВУ, ГРП-40 клапанлари
- ◆ Ўт ўчирувчилар қўлқоплари, колонкалар ва гидрантлар

Товар сертификатланган

E-mail: kaspi64@bk.ru, тел.: 273-95-90, 175-81-56 (уяли), тел./факс 273-83-86

ЭЛЕКТРОДЛАР

ЮҚОРИ СИФАТЛИ

“VISTEC” (Украина),
“ANYKSCIU VARIS” (Литва),
“БОЛЬШОЙ МОСТ” (Китай)

H2315

Т.: 235-79-94, 235-25-36, 510-36-10, 104-03-70

«САЛОМ МАКТАБ!»

Уяли алоқанинг энг йирик оператори МТС-Ўзбекистон, «Мобильные ТелеСистемы» ОАЖ (NYSE:MBT)нинг 100 фоизли шуъба компанияси «Салом, мактаб!» ММС-танловини ишга туширди.

У 2009 йил 15 сентябрдан 15 октябргача ўтказилади. Компания абонентлари бўлган танлов иштирокчилари мактаб ҳаётларидаги кулгили ҳодисалар ва ёзги таътилда олган ёрқин таассуротлари билан ўртоқлашишлари мумкин.

«Салом, мактаб!» танловида қатнашиш учун ўз уяли телефонингиздан maktab@mts.uz электрон манзилига фотосуратли ММС жўнатишингизнинг ўзи етарли (унинг қиймати \$0,05 ни ташкил этади). Шундан сўнг иштирок этиш учун юборилган ва қабул қилинган ҳар бир фотосуратга идентификацион ID рақами берилади, унга қараб ММС-танловнинг www.maktab.mts.uz сайтыда уни топиш мумкин. Шунингдек компания абонентларига қуйидаги қисқа рақамлардан бирига SMS-хабар жўнатиб, ўзларига ёққан фотосуратларга овоз бериш таклиф қилинади:

Қисқа рақам	Овозлар сони	Қиймат
350	1	\$0,03
351	6	\$0,15
352	15	\$0,35

Энг кўп миқдорда овоз олган фотосуратлар муаллифлари қимматбахо совринлар оладилар:

- 1-ўрин – нетбук;
- 2-ўрин – уяли телефон;
- 3-ўрин – Bluetooth – гарнитура.

Бундан ташқари, 1 дан 10 гача ўринни эгаллаган барча иштирокчилар МТСдан брендланган совғалар оладилар.

«Салом, мактаб!» ММС-танлов тўғрисидаги батафсилроқ маълумотни www.maktab.mts.uz сайти, 0890 рақами орқали Алоқа боғлаш маркази ёки абонентларга хизмат кўрсатиш офисларидан олишингиз мумкин.

МТС-Ўзбекистон (Уздунробита) компанияси Ўзбекистонда уяли алоқанинг энг йирик компанияси ҳисобланади. 2004 йил августидан «Мобильные ТелеСистемы» (МТС) ОАЖ таркибига киради. Компания 6,5 миллиондан ортиқ абонентларга хизмат кўрсатади.

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

енгил металл конструкциялар ва мебель ишлаб чиқариш учун
Тошкент шаҳридаги омбордан!

Квадрат кесишмаси – 12,7*12,7 дан 50*50 мм гача
Тўғри бурчакли кесишмаси – 20*10 дан 70*11 мм гача

Овал кесишмаси – 30*15 ва 20*40 мм
Думалоқ кесишмаси – D 10-63,5 мм
Аркали кесишмаси – 20*40 мм

Деворнинг эҳтимолий қалинлиги: 0,8 дан 2,0 мм гача
Пўлат русуми 08КП DIN 2394, 2395

H30-5

Тел.: + (998 71) 2737214, 2732158. Факс 273-6965. E-mail: info@network.uz

“ЕВРОМЕТАЛ-ОСИЁ” ҚҚ

ХАЛҚА конструкция, иссиққа чидамли, квадрат, поковка зангламас

ТУНУКА конструкция шестигранник иссиқ жўваланган, тарам-тарам, зангламас

ст. У8Г – 0,9х326 мм рулонли тасма
Техник туз 1-2 навли (Учкудук)

т/ф: 281-35-61, 255-76-74, 254-94-95, e-mail: vklim_70@mail.ru

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ

АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ

TÜV CERT EN ISO 9001

ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ

Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 16 сентябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Учтепа туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

Корхона номи	СТИР	Рўйхатга олинган рақами ва санаси	Юридик манзили	Қарор рақами
“MALLYWOOD TRAVEL”	301037434	001909-01 16.11.07	Чевар кўч., 33	10-0906/13417
“VIDEO LYUKS SERVIS”	300934618	000495-01 31.01.05	Уйғур кўч., 487	10-0906/13418
“RUHSHONABONU PLUS”	300893685	001368-01 23.01.07	Чилонзор 21-1а-21	10-0906/13415
“BURKUL TA’MIR”	300971114	001368-01 24.01.03	Дадил 1-тор кўч., 21	10-0906/13419
“RENDER FANTAZY”	300858506	84 14.07.08	Чилонзор 24-2 л	10-0906/13411
“ALESYA STIL BIZNES”	300580695	002308-01 18.08.08	Чилонзор 21-20-7	10-0906/13414
“BIG BEN TEXTILE”	300997864	002381-01 21.05.08	Боситхон 4-тор кўч., 32	10-0906/13412
“ANTIQA DD BARAKALI SAVDO”	301016413	000404-01 28.01.08	Фозилтепа кўч., 15-мавзе, 22а	10-0906/13413
“NATALI SERVIS”	205266055	001999-01 29.10.04	Уйғур кўч., 622	10-0906/13416

Мазкур корхоналарнинг тўртбурчакли тамға ва думалоқ муҳрлари ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Учтепа тумани Ҳокимияти биноси, 3-қават, 4-хонада қабул қилинади.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБЕКОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: sbxahbor@mail.ru

Таъсисчи **“Norma Hamkor” МЧЖ**

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи-назарига мос келмавермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобсизлик материал муаллифи зиммасига юкланади.

Тахририят оғохлантирадими, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганим, фойдаланмаганим ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганим билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобсиз эмас. Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

“Норма маслаҳатчи”да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат “Норма” МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида “ТОПРИНТ” МЧЖ боёмоҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Буюртма 255 Аълди 5050. Баҳоиси келишилган нархда
Газета 2009 йил 25 сентябрда соат 20.00 да топишляди.
ISSN 2010-5223



25 *****

10/2009

октябрь оyi учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича бюджетга жорий тўловларни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 271-модда, учинчи қисм);

сентябрь оyi учун транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни*;

III чорак учун микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 304-модда, учинчи қисм);

сентябрь оyi учун Республика йўл жамғармасига соф тушумдан мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни*;

III чорак учун микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 319-модда, иккинчи ва учинчи қисмлар);

сентябрь оyi учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига соф тушумдан мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни*;

III чорак учун микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 315-модда, иккинчи ва учинчи қисмлар);

III чорак учун фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 163-модда, иккинчи қисм; 164-модда, олтинчи қисм; 165-модда, тўртинчи қисм, 2-банд);

сентябрь оyi учун мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни*;

III чорак учун микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни

(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 31.01.2005 йилда 1446-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 6, 7-бандлари);

III чорак учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 300-модда, еттинчи ва саккизинчи қисмлар);

III чорак учун микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона ижтимоий тўлов ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 310-модда, учинчи қисм);

сентябрь оyi учун ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни*;

III чорак учун микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 360-модда, тўртинчи ва бешинчи қисмлар);

сентябрь оyi учун фаолиятнинг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 372-модда, еттинчи қисм).

*Солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ҳар чоракда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан тақдим этадиган микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари;

**Ҳисобот давридаги қутилаётган солиқ солинадиган фойдаси энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача бўлган корхоналардан ташқари. Тўлов манбаида ушлаб қолинандиган, юридик шахсларга тўланадиган дивиденд ва фоизларга фойда солиғи, шунингдек Ўзбекистон Республикаси норезидентларнинг даромадларидан фойда солиғи бюджетга мазкур тўловларни тўлаш кунидан кечиктирмасдан ўтказилади;

***Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг жорий тўловлари қуйидагилар томонидан тўланмайди:

ҳисобот давридаги солиқ солинадиган базаси энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача миқдорда бўлган солиқ тўловчилар томонидан;

ўтган ҳисобот даврида ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаб туриш бўйича харажатлари суммаси солиқ солинадиган базага тенг ёки ундан кўп бўлган солиқ тўловчилар томонидан;

ягона солиқ тўловини тўлашга ўтмаган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан;

****)вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкани бошқарувчи бошқа органлар, шунингдек чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналардан ташқари. Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкани бошқарувчи бошқа органлар учун 2009 йилнинг 9 ойи учун молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг муддати 9 ноябрда тугайди. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари молиявий ҳисоботни бир йилда бир марта, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартидан кечиктирмасдан тақдим этади;

*****)қишлоқ хўжалиги корхоналари, микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек бир чорак учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун умумий солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг элик бараваридан кам бўлган корхоналардан ташқари;

*****)бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари иш ҳақи учун пул маблағларини олиш учун банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда тўланади;

*****)муддатнинг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, муддатнинг тугаш куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.

Солиқ тўловчининг тақвими – «Norma Maslahatchi» газетаси ва «Norma-Hamkor» МЧЖ экспертларининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг бошқа ОАВларда қайтадан чоп этилиши ва электрон маълумотлар базаларида жойлаштирилишига «Norma» МЧЖ ёки «Norma-Hamkor» МЧЖ билан тузилган шартнома асосидагина йўл қўйилади.

✓ БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР

ЯСТ ҚАЗИБ ОЛУВЧИЛАР УЧУН ЭМАС

? Корхона қум-шағал аралашмасини қазиб олиш ва қайта ишлаш билан биргаликда Оҳангарон дарёси қирғоқларини тозалаш, тўғрилаш ва муштаҳамлаш билан шуғулланади. Оққўрғон туман ҳокимининг қарори билан унга қум-шағал ва темир-бетон буюмлар ишлаб чиқариш учун Оҳангарон дарёси қайридаги захира ерлар ҳисобидан 27,5 гектар ҳажмда ер участкаси ажратилган.

Дарё ўзанини тўғрилаш пайтида ҳосил бўладиган қум-шағал аралашмасини қайта ишлаш учун майдалаш-саралаш цехи мавжуд. Бунда олинган қум ва шағал асосан бинокорлик корхоналарига реализация қилинади.

Корхона ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш ҳуқуқига эгами?

– Солиқ кодексининг (бундан кейин – СК) 350-моддасига мувофиқ, ягона солиқ тўлови акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этил-

майди. Ер участкаси корхонага қум-шағал ва темир-бетон буюмлар ишлаб чиқариш учун ажратилганлиги боис, у ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўлаши керак, бинобарин, СК 350-моддасининг иккинчи қисмига биноан ягона солиқ тўловини тўлашга ҳақли эмас.

? Корхонамизга унга кирувчи темир йўл қуриш мақсадида лёссимон қумоқ ер (лой) қазиб олиш бўйича карьер ташкил этиш учун 3,5 гектар ер участкаси ажратилди. Ҳозирги вақтда биз умумбелгиланган солиқларни тўлаяпмиз. Корхона ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўлаши керакми?

– СКнинг 243 ва 244-моддаларига мувофиқ, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар ер қаъридан фойдали қазилмаларни кавлаб олаётган, шу жумладан техноген минерал ҳосилалардан фойдали қазилмаларни ажратиб олаётган ер қаъридан фойдаланувчилардир.

Кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулотнинг ҳажми ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиш объектидир. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси белгиланган ва реализация қилиш ёки топшириш, шу жумладан бепул бериш, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида ўз истеъмоли ва бошқа эҳтиёжлари учун

мўлжалланган фойдали қазилма (фойдали компонент) тайёр маҳсулот деб эътироф этилади.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисида низомга (Президентнинг 2007 йил 7 июндаги ПҚ-649-сон қарорига* 3-илова) мувофиқ, лой, қумоқ ер, шағал, харсанг тош ва қум Ўзбекистон Республикасида кенг тарқалган фойдали қазилмалар рўйхатига киритилган.

Шу тариқа, мазкур карьердан фойдаланганлик учун корхонага лёссимон қумоқ ер (лой) қазиб олинган ойдан бошлаб ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўлаши керак.

? Корхонага гишт заводи ва гишт-черепица хом ашёсини қазиб олиш учун карьер барпо этишга 10,0 гектар ер участкаси белгиланган тартибда ажратилган.

Карьердан лой қазиб олиш ва пишган гишт тайёрлаш 2008 йил апрелидан бошлаб амалга ошириляпти. Гишт асосан қурилиш ташкилотлари ва жисмоний шахсларга реализация қилиняпти.

Корхона ягона солиқ тўловини тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказилган ва, тегишинча, у ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўламайди.

Биз қандай солиқларни тўлашимиз керак: ягона солиқ тўловиними ёки умумбелгиланган солиқларни?

– СКнинг 243 ва 244-моддаларига мувофиқ, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар ер қаъридан фойдали қазилмаларни кавлаб олаётган, шу жумладан техноген минерал ҳосилалардан фойдали қазилмаларни ажратиб олаётган ер қаъридан фойдаланувчилардир.

Кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулотнинг ҳажми ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиш объектидир. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси белгиланган ва реализация қилиш ёки топшириш, шу жумладан бепул бериш, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида ўз истеъмоли ва бошқа эҳтиёжлари учун мўлжалланган фойдали қазилма (фойдали компонент) тайёр маҳсулот деб эътироф этилади. Лой кенг тарқалган фойдали қазилма ҳисобланади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чи-

қиб, корхонага эр қаъридан фойдаланганлик учун солиқни гишт-черепица хом ашёси қазиб олинган ойдан, – яъни апрелдан бошлаб тўлаши керак. Бундан ташқари акцизланадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ва фойдали қазилмалар кавлаб олишни амалга оширадиган, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашга ҳақли эмаслар.

Шу сабабли корхонага 2008 йилнинг II чорагидан бошлаб умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиши керак.

Пишган гишт тайёрловчи корхоналар 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш шарти билан, ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш ҳуқуқига эгалар (Президентнинг 2009 йил 19 июндаги ПҚ-1134-сон қарори** 2-банди).

Жавоблар «Norma Ekspert» гуруҳи мутахассислари томонидан «Амалий солиқ солиш» электрон маълумотнома тизими асосида тайёрланди.

*«Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

**«Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».



ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАР УЧУН АЛОҲИДА ТАРТИБ

Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» қарори (2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон) билан 2009 йил 1 январдан бошлаб жорий этилган тартибга мувофиқ, аввал хусусийлаштирилган корхоналар – сотилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми сўнгги икки чорақда объектив сабабларсиз, солиқ органлари томонидан белгиланган тартибда жорий этилган мол-мулк солиғи ва ер солиғининг мўлжалдаги ўн карра миқдоридан камроқ суммани ташкил этган ягона солиқ тўловини тўловчилар солиқ органи билдиришномаси орқали умумбелгиланган солиққа тортиш режимига ўтадилар.

Мазкур ҳужжатни ижро этиш мақсадида Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 14 апрелда 1939-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Аввал хусусийлаштирилган корхоналар – ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом тасдиқланди (бундан кейин – *Вақтинчалик низом*). Кўрсатиб ўтилган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби, амалга ошираётган фаолият туридан қатъи назар, ягона солиқ тўлови тўловчиси бўлган барча аввал хусусийлаштирилган корхоналар (бундай корхоналарнинг мақоми ваколатли орган – Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси томонидан белгиланади), шу жумладан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун татбиқ этилади.

Аввал хусусийлаштирилган корхоналар – **сотилган товарлар** (ишлар, хизматлар) ҳажми сўнгги икки чорақда объектив сабабларсиз, **мол-мулк солиғи ва ер солиғининг мўлжалдаги ўн карра миқдоридан камроқ суммани** ташкил этган ягона солиқ тўловини тўловчилар солиқ органи билдиришномаси орқали умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиладилар. Бунда реализация қилиш ҳажми ягона солиқ тўлови бўйича ҳисобот – Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби (02-варақ, 010-сатр, «Жами» устуни) асосида ёки Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот 2-сон шаклининг 010-«Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум» сатри бўйича аниқланади. Бошқа даромадлар ҳисоб-китобга қабул қилинмаслигини таъкидлаш зарур.

Мол-мулк солиғи ва ер солиғи суммасининг норматив белгиланган миқдори ҳисоб-китоб маълумотларидан келиб чиқиб, қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$N = (H1 + H2) \times 10,$$

бу ерда:

N – мол-мулк солиғи ва ер солиғи суммасининг норматив белгиланган миқдори;

H1 – чорақ ҳисобида мол-мулк солиғи;

H2 – чорақ ҳисобида ер солиғи.

Мол-мулк қолдиқ қиймати тўғрисидаги маълумотлар ўтган йил учун бухгалтерия баланси асосида, ер солиғи эса ер участкаси майдони ва унинг жойлашган жойи (зонаси)дан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказувчи ваколатли давлат органининг маълумотлари бўйича аниқланади.

Вақтинчалик низомга мувофиқ, аввал хусусийлаштирилган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш устидан назорат солиқ органлари томонидан амалга оширилади. ДСининг солиқ тўловчилар ҳисоботларини қабул қилиш ва таҳлил этиш шуъбаси ходимлари солиқ тўловчи тақдим этган молиявий ва солиқ ҳисоботи асосида реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмини мол-мулк солиғи ва ер солиғининг норматив белгиланган миқдори билан солиштиридилар. Вақтинчалик низом тааллуқли бўлган ҳар бир корхона бўйича сўнгга солиқ суммасининг норматив белгиланган ҳисоблаб чиқарилган миқдори ҳисобга олинган ҳолда маълумотнома тўлдирилди.

Белгиланган тамойилга кетма-кет икки чорақ давомида мувофиқ келмайдиган корхоналар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилади.

¹Давлат солиқ хизмати органи аввал хусусийлаштирилган корхона умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилиши тўғрисида Вақтинчалик низомнинг 2-иловасида келтирилган шаклда, чорақлик ва йиллик ҳисоботни тақдим этиш учун белгиланган муддатдан кейин 5 кун ичида ёзма равишда хабардор қилади.

Газетхонларнинг мурожаатлари сабабли таҳририят Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитасига ва Молия вазирлиги мутахассисларига Аввал хусусийлаштирилган корхоналар – ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2009 йил 14 апрелда 1939-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) қўллаш амалиёти бўйича бир қатор саволлар билан мурожаат қилди. Бугун биз Давлат мулк кўмитаси ва Молия вазирлигидан олинган жавобларни чоп этамиз.

МАҚОМНИ ДАВЛАТ ДАЛОЛАТНОМАСИ БЕЛГИЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитаси сизнинг 2009 йил 10 августдаги мурожаатингизни кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Корхоналардаги давлат мулк негизда амалиётда давлатга қарашли ҳамда нодавлат хўжалик юритувчи субъектлар барпо этилиши мумкин. Бунда биринчи ҳолда, Фуқаролик кодексининг (ФК) 72-моддасига кўра, давлат органининг қарорига мувофиқ давлат мулк бўлган мол-мулк негизда оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси (давлат корхонаси) ташкил этилиши мумкин. Иккинчи ҳолда эса бу давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш доирасида амалга оширилади.

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг (1991 йил 19 ноябрдаги 425-ХII-сон) 1-моддасига кўра давлат тасарруфидан чиқариш деганда давлат корхоналари ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантириш тушунилади. Хусусийлаштириш эса жисмоний шахслар ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахслар томонидан оммавий мулк объектларини ёки акциядорлик жамиятлари акцияларини давлатдан сотиб олишларини англатади.

Давлат активлари (корхона, улуш, ер участкалари ва давлат мулк ҳисобланадиган бошқа мол-мулк) хусусийлаштирилганида янги мулкдорга мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига давлат далолатномаси берилади (Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 июлдаги 145-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулк бўлган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисида низомнинг 68, 70, 71-бандлари, бундан кейин – 145-сон Низом).

Давлат тасарруфидан чиқарилган (хусусийлаштирилган) мол-мулк (унинг бир қисми) ўзгага берилиши натижасида мулкдор ўзгарган тақдирда ўзгага берилган мол-мулкка янги давлат далолатномаси берилмайди (145-сон Низомнинг 72-банди). Агар давлат тасарруфидан чиқариш натижасида ташкил этилган юридик шахслар кейин, масалан, қайта ташкил этилган бўлсалар, улар юридик шахсларнинг давлат реестридан чиқариладилар ва, тегишинча, илгари олинган мақомда фаолият юритишларини тугатадилар, чунки рўйхатдан ўтказиладиган ва реестрга киритиладиган янги юридик шахслар вужудга келади. Тегишинча, бундай ташкилотларга янги давлат далолатномалари берилмайди, мол-мулкка эгалик ҳуқуқи уларга илгари қайта ташкил этилган юридик шахсдан янги вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган топшириш ҳужжати (тақсимлаш баланси – бўлиш ёки ажратиш ҳолатида) бўйича ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади (ФКнинг 50-51-моддалари). Бундай корхоналар энди давлат тасарруфидан чиқариш натижасида ўзгартирилган деб қаралмайди. Корхона хусусий мулк асосида барпо этилганида ҳам мулкка эгалик ҳуқуқига давлат далолатномаси берилмайди.

Юқорида келтирилган меъёрий қоидалардан қуйидаги ҳулосага келиш мумкин: давлат корхоналари негизда барпо этилган корхоналарни аниқлаш мезони бўлиб бундай корхоналарда хусусийлаштирилган мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига давлат далолатномасининг мавжудлиги хизмат қилиши мумкин.

Хусусий мулкдор ўзининг мол-мулкни хусусийлаштирилган корхонанинг устав фондига, худди хусусий мулк негизда барпо этилган корхонанинг устав фондига бўлганидек, қўйиши мумкин. Айни ҳолда хусусий мулкдор ўзининг мол-мулкни давлат корхонаси устав фондига қўя олмайди, чунки давлат корхонасининг мол-мулк бўлинмас ҳисобланади (ФКнинг 70-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган Давлат корхоналари тўғрисида низомнинг 16-банди).

А.ДАЛИЕВ,

Давлат мулк кўмитасининг раис ўринбосари.

1-МИСОЛ.
Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказишни белгиловчи кўрсаткичлар бўйича МАЪЛУМОТНОМА

Кўрсаткичлар	I чорақ	II чорақ	III чорақ	IV чорақ
1. Товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилиш ҳажми	10 000	5 000	8 000	4 000
2. Мол-мулк солиғи ва ер солиғининг норматив белгиланган миқдори	6 000	6 000	6 000	6 000
Изоҳ	Мувофиқ келади	Мувофиқ келмайди	Мувофиқ келади	Мувофиқ келмайди

Реализация қилиш ҳажмини ҳисоблаб чиқишда ҳар бир чорақнинг тушуми алоҳида аниқланади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган мисолда мазкур корхона ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқини сақлаб қолади.

2-МИСОЛ.
Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказишни белгиловчи кўрсаткичлар бўйича МАЪЛУМОТНОМА

Кўрсаткичлар	I чорақ	II чорақ	III чорақ	IV чорақ
1. Товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилиш ҳажми	10 000	5 000	4 000	12 000
2. Мол-мулк солиғи ва ер солиғининг норматив белгиланган миқдори	6 000	6 000	6 000	6 000
Изоҳ	Мувофиқ келади	Мувофиқ келмайди	Мувофиқ келмайди	Мувофиқ келади

Ушбу кўрсаткичларга эга бўлган мазкур корхонанинг II ва III чорақлардаги фаолияти белгиланган мезонларга мувофиқ келмаслиги сабабли у IV чорақдан бошлаб умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилиши керак.

Вақтинчалик низомга мувофиқ, аввал хусусийлаштирилган корхона давлат солиқ хизмати органининг билдиришномаси олинган ҳисобот даври бошидан бошлаб умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтади. Бунда қўшилган қиймат солиғи туғанидан сўнг корхона умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиши лозим бўлган ҳисобот чорақидан кейинги ойнанинг 1-кунидан бошлаб ҳисоблаб чиқарилади.

Чунончи, солиқ органлари ўз билдиришномаси билан 2-мисолдаги корхонани умумбелгиланган солиқларга IV чорақдан бошлаб ўтказадилар ҳамда унда уларни тўлаш бўйича мажбуриятлар 1 октябрдан бошлаб, ҚҚС бўйича – 1 ноябрдан бошлаб юзага келади. Бунга сабаб – солиқ тўловчига билдиришнома фақат 9 ой учун ҳисоботни тақдим этиш якунлари бўйича, яъни 25 октябрдан кейингина йўлланади¹.

Аввал хусусийлаштирилган, умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилган корхона фақатгина кетма-кет келувчи тўрт чорақ давомида товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилишнинг ҳақиқатдаги ҳажми мол-мулк солиғи ва ер солиғи суммасининг норматив белгиланган миқдоридан юқори бўлган тақдирда ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши мумкин.

Дилшод СУЛТОНОВ,
Молия вазирлиги солиқ сиёсати бошқармасининг бевосита ва маҳаллий солиқлар бўлими бошлиғи.

Солиқ ва божхона тўловлари бўйича ИМТИЁЗЛАР

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг 2009 йил 20 августдаги ҳолатига кўра

Мазкур материал «Norma Ekspert» гуруҳи ҳамда «Солиқ ва божхона хабарлари» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари мутахассислари томонидан тайёрланди.

МАМЛАКАТИМИЗ КОРХОНАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИ УЧУН ИМТИЁЗЛАР

Мамлакатимиз корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари турлари, имтиёзни қўллаш учун операциялар	Имтиёз объекти	Имтиёз тури	Имтиёз бериладиган муддат	Асос
Фойда солиғи бўйича				
Солиқ тўловчи корхоналар	«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасига ўтказиладиган пул маблағлари	Солиқ солинадиган база кўрсатилган маблағлар суммасига камайтирилади		Вазирлар Маҳкамасининг 22.07.1999 йилдаги 358-сон қарорининг 4-банди Президентнинг 17.06.2009 йилдаги ПФ-4116-сон Фармониغا 3-илова
Солиқ тўловчи корхоналар	Мактаб таълимни ривожлантириш дастурини молиялаш учун мақсадли йўналтирилган ҳомийлик маблағлари	Солиқ солинадиган база кўрсатилган маблағлар суммасига камайтирилади	2004-2009 йиллар	Президентнинг 21.05.2004 йилдаги ПФ-3431-сон Фармонининг 5-банди Имтиёзни қўллаш тартиби махсус Низом билан белгиланган (АВ томонидан 21.07.2004 йилда 1387-сон билан рўйхатдан ўтказилган)
Кўмир қазиб олувчи корхоналар	«Ўзбекэнерго» ДАК қўшимча соф даромадининг мақсадли Жамғарма орқали кўмир саноатини техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштиришга йўналтириладиган бир қисми	Солиқ солинадиган базага киритилмайди		ВМнинг 7.08.2003 йилдаги 345-сон қарорининг 6-банди Президентнинг 17.06.2009 йилдаги ПФ-4116-сон Фармониغا 3-илова
Янги ташкил этилаётган агросаноат фирмалари	Фойда	Бўшайдиган маблағларни мақсадли тартибда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантиришга, боғ ва узумзорлар барпо этиш ҳамда уларни кенгайтиришга йўналтириш шартли билан солиқ тўлашдан озод этилади	Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб 5 йил	Президентнинг 9.01.2006 йилдаги ПФ-3709-сон Фармонининг 5-банди Президентнинг 11.01.2006 йилдаги ПҚ-255-сон қарорининг 11-банди Президентнинг 7.04.2009 йилдаги ПФ-4102-сон Фармони

Давоми. Боши "СБХ"нинг 2009 йил 24 августдаги 34 (786), 31 августдаги 35 (787), 7 сентябрдаги 36 (788), 14 сентябрдаги 37 (789) ва 21 сентябрдаги 38 (790)-сонларида.

Мамлакатимиз корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари турлари, имтиёзни қўллаш учун операциялар	Имтиёз объекти	Имтиёз тури	Имтиёз бериладиган муддат	Асос
Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ихтисослаштирилган бошқарувчилари - хизмат кўрсатиш ташкилотлари, улар уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматлар кўрсатганида	Фойда	Солиқ тўлашдан озод этилади	1.01.2007 йилдан 31.12.2010 йилга қадар	Президентнинг 25.07.2006 йилдаги ПҚ-425-сон қарорининг 6-банди
Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари (тижорат банкларидан ташқари)	Пластик карточкалар қўлланиб тўланган хизматлар кўрсатишдан даромад	Солиқ амалдаги ставкага нисбатан 10% пасайтирилган ставка бўйича тўланади	1.10.2006 йилдан бошлаб	Президентнинг 3.08.2006 йилдаги ПҚ-433-сон қарорининг 1-банди
Акциядор корхоналар	Ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав капиталини оширишга йўналтиришда қўшимча акцияларнинг қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олган даромадлари	Солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланмайди	1.10.2006 йилдан бошлаб	Президентнинг 27.09.2006 йилдаги ПҚ-475-сон қарорининг 5-банди ЎЗР СК 129-моддаси учинчи қисмининг 9-банди
Тижорат банкларининг акциядорлари бўлмиш корхоналар	Бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар	Солиқ бўйича солиқ солинадиган база кўрсатиб ўтилган маблағлар суммасига камайтирилади	1.01.2007 йилдан 1.01.2010 йилга қадар	Президентнинг 19.12.2006 йилдаги ПФ-3831-сон Фармонининг 1-банди Имтиёзни қўллаш тартиби Низом (АВ томонидан 20.03.2007 йилда 1664-сон билан рўйхатга олинган) билан белгиланган
	Тижорат банкларининг акциялари бўйича дивидендлар кўринишида олинган даромадлар	Солиқ солишдан озод этилади	1.01.2007 йилдан 31.12.2009 йилга қадар тўланадиган акциялар бўйича дивидендларга нисбатан қўлланилади	
Ихтиёрий тугатилаётган корхонанинг муассислари (қатнашчилари) бўлмиш корхоналар	Муассислар (қатнашчилар)нинг ихтиёрий тугатилаётган корхонанинг мажбуриятларини бажаришга йўналтириладиган маблағлари	Солиқ солинмайди Ихтиёрий тугатиш, шунингдек корхона фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш ва фаолиятини тиклаш тартиботи қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган тақдирда ушбу имтиёз қўлланмайди	27.04.2007 йилдан бошлаб	Президентнинг 27.04.2007 йилдаги ПҚ-630-сон қарорининг 2-банди
Солиқ тўловчи корхоналар	Мол-мулкни сугурталаш ва ҳаётни узоқ муддатга сугурталаш бўйича сугурта муқофотлари	Солиқ солинмайди	10.04.2007 йилдан бошлаб	Президентнинг 10.04.2007 йилдаги ПҚ-618-сон қарорининг 6-банди

Мамлакатимиз корхоналари, ташиқлотлари ва муассасалари турлари, имтиёзни қўллаш учун операциялар	Имтиёз объекти	Имтиёз тури	Имтиёз бериладиган муддат	Асос
Мулкдор корхоналар	Бепул олинган паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхонаси (унинг мол-мулки) ёки паст ликвидли объект	Фойда солиғи солинмайди		ВМнинг 26.08.2003 йилдаги 368-сон қарорининг 3-банди Президентнинг 17.06.2009 йилдаги ПФ-4116-сон Фармонига 3-илова
Солиқ тўловчи корхоналар	Қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда сифатни бошқариш тизимлари жорий этилиши ва уларни қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган инвестициялар суммаси	Солиқ солинадиган фойда кўрсатилган маблағлар суммасига камайтирилади		ВМнинг 22.07.2004 йилдаги 349-сон қарорининг 4-банди, ВМнинг 17.06.2009 йилдаги 168-сон қарори тахририда
Тижорат банклари	Республикаимиз корхоналарига уч йилдан ортиқ муддатта инвестиция кредитлари беришдан олинган ва банкларнинг ўз капиталини қўпайтиришга йўналтирилган фойда	Фойда солиғини тўлашдан озод этилади	2010 йилгача, 2010 йил ҳам киради	Президентнинг 15.04.2005 йилдаги ПҚ-56-сон қарорининг 8-банди
	Тасдиқланган давлат дастурларига мувофиқ ташкил этиладиган кичик банкларни очиш бўйича сарф-харажатлар	Солиқ солинадиган базадан чегирилади		
“Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси ва “Ўзспиртсаноат” акциядорлик компанияси корхоналари	Рўйхатга мувофиқ объектларни реализация қилишдан тушумлар	Солиқ солиш объекти бўлмайди ва кредитлар, солиқлар бўйича қарзларни сўндиришга ва айланма маблағларни тўлдиришга йўналтирилади		Президентнинг 20.10.2005 йилдаги ПҚ-204-сон қарори 4-банди Объектлар рўйхати ПҚ-204-сон қарорга 1-5-иловаларда келтирилган
Қуйидаги хизматларни кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар (умумбелгиланган солиқларни тўловчилар): - ПҚ-325-сон қарорга 4-иловага мувофиқ; - микрокредитлаш бўйича; - санаторийлар, ахборот-ресурс марказлари, болалар соғломлаштириш муассасалари, ахборот-кутубхона марказлари, шунингдек, сугурга бозорининг профессионал иштирокчилари хизматлари	Хизматларни кўрсатишдан олинган фойда	Солиқ тўлашдан озод этилади	1.01.2012 йилга қадар	Президентнинг 17.04.2006 йилдаги ПҚ-325-сон қарорининг 7-банди Президентнинг 18.12.2006 йилдаги ПҚ-532-сон қарорининг 9-банди Президентнинг 21.05.2007 йилдаги ПҚ-640-сон қарорининг 6-банди Президентнинг 29.12.2008 йилдаги ПҚ-1024-сон қарорига 31-илованинг 5-банди Ушбу имтиёз татбиқ этиладиган хизматлар турлари бўйича батафсил тушунтиришлар Низомда (АВ томонидан 17.07.2006 йилда 1594-сон билан рўйхатдан ўтказилган) келтирилган

Мамлакатимиз корхоналари, ташиқлотлари ва муассасалари турлари, имтиёзни қўллаш учун операциялар	Имтиёз объекти	Имтиёз тури	Имтиёз бериладиган муддат	Асос
Тижорат банклари	Тасдиқланган мақсадли дастурларга мувофиқ иқтисодиётнинг устувор тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун уч йилдан ортиқ муддатта берилган кредитлардан олинган даромадлар	Солиқ солинадиган база кўрсатиб ўтилган даромадлар суммасига камайтирилади	12.07.2007 йилдан 1.01.2012 йилга қадар	Президентнинг 12.07.2007 йилдаги ПҚ-670-сон қарорининг 3-банди Имтиёзни қўллаш тартиби ВМнинг 15.08.2007 йилдаги 174-сон қарори билан белгиланган
	Имтиёзли кредитлаш жамғармаси ресурсларини қўпайтиришга йўналтирилган ва Жамғарма томонидан тақдим этилган кредитлар ҳисобига олинган даромадлар	Солиқ тўлашдан озод этилади	Имтиёзли кредитлаш жамғармаси ташкил этилган пайдан бошлаб 5 йил	ВМнинг 19.05.2000 йилдаги 195-сон қарорининг 2-банди Низомнинг (АВ томонидан 9.08.2007 йилда 1701-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 7-банди
Аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи тиббий муассасалари (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно)	Фойда	Бўшайдиган маблағлар тиббий муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтириш шarti билан солиқ тўлашдан озод этилади	1.10.2007 йилдан 1.10.2012 йилга қадар	Президентнинг 19.09.2007 йилдаги ПФ-3923-сон Фармонининг 7-банди
Солиқ тўловчи корхоналар	Тижорат банкларининг депозитларига ва қарз қимматли қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатта жойлаштиришдан олинган фойдали даромадлар	Солиқ тўлашдан озод этилади	1.01.2008 йилдан 28.07.2014 йилга қадар	Президентнинг 7.11.2007 йилдаги ПҚ-726-сон қарорининг 6-банди, 28.07.2009 йилдаги ПҚ-1166-сон қарорининг 8-банди
Нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасалари	Асосий (ихтисослик) фаолият тури бўйича фойда	Бўшайдиган маблағлардан моддий-техник базани мустаҳкамлаш, асбоб-ускуналар ва анжомлар, дидактик материаллар, болалар ўйинчоқлари ва адабиётлар сотиб олиш учун мақсадли фойдаланиш шarti билан солиқ тўлашдан озод этилади	1.01.2008 йилдан 1.01.2011 йилга қадар	ЎзР Президентининг 12.12.2007 йилдаги ПҚ-744-сон қарорининг 10-банди
Бутловчи буюмлар, материаллар ва технологик жиҳозлар ишлаб чиқарувчи корхоналар	«Женерал Моторс Ўзбекистон» ЕАЖ томонидан ишлаб чиқариладиган автомобиллар учун сотиладиган маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар	Солиқ тўлашдан озод этилади	5 йил	«Женерал Моторс Ўзбекистон» ЕАЖ қарорининг 2-иловасига мувофиқ жадвал бўйича янги моделдаги автомобиллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган пайдан бошлаб имтиёзлар уларнинг амал қилиш муддати 31.12.2017 йилда тугаши билан яна беш йиллик муддатга узайтирилади

Мамлакатимиз корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари турлари, имтиёзни қўллаш учун операциялар	Имтиёз объекти	Имтиёз тури	Имтиёз бериладиган мuddат	Асос
Ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар	Фойда	Бўшайдиган маблағларни янги ишлаб чиқаришларни барпо этишга, шунингдек фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда зарур бўладиган хом ашё ва материаллар харид қилишга, киритилган инвестицияларни қоплаш, жумладан кредитларни тўлашга йўналтириш шарти билан солиқ тўлашдан озод этилади	1.01.2012 йилга қадар	Президентнинг 28.01.2009 йилдаги ПҚ-1050-сон қарорининг 3-банди Имтиёз Низомининг (АВ томонидан 31.03.2009 йилда 1932-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 1-илоvasида келтирилган товар гуруҳлари бўйича, ушбу товарлар ҳажми умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 60 фоизини ташкил этадиган ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга берилади Имтиёзни қўллаш тартиби 1932-сон махсус Низом билан тартибга солинади
Уй-жой фонди объектларини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида режалаштириш, безаш, куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича ишларни амалга оширувчи янгидан ташкил этилган ихтисослаштирилган таъмирлаш-курилиш ташкилотлари	Фойда	Солиқ тўлашдан озод этилади	1.01.2014 йилга қадар	Президентнинг 29.01.2009 йилдаги ПҚ-1051-сон қарорининг 3-банди
Махсус печлар (айланма, туннелсимон ва бошқалар)дан фойдаланган ҳолда замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишган гишт ишлаб чиқарувчи корхоналар	Фойда	Солиқ тўлашдан озод этилади	1.07.2009 йилдан 1.09.2012 йилга қадар	Президентнинг 19.06.2009 йилдаги ПҚ-1134-сон қарорининг 2-банди Имтиёзни қўллаш тартиби махсус Низом (АВ томонидан 24.07.2009 йилда 1985-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади
Лизинг хизматларини кўрсатадиган корхоналар	Лизинг операцияларидан олинадиган фойда	Солиқ тўлашдан озод этилади	1.09.2009 йилдан 1.09.2012 йилга қадар	Президентнинг 28.07.2009 йилдаги ПҚ-1166-сон қарорининг 8-банди
СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР				
Сув учун бюджетга солиқ ўтказган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар	Юридик шахслардан олинган сув учун бюджетга солиқ ўтказганлар томонидан ишлатиладиган сув ҳажми	Солиқ тўлашдан озод этилади		ЎзР СК 261-моддаси биринчи қисмининг 2-банди
Бирламчи фойдаланилган сув учун тўлов амалга оширилган сувдан иккиламчи фойдаланувчи сув истеъмолчилари	Бирламчи фойдаланилган сув учун тўлов амалга оширилган сувдан иккиламчи фойдаланилувчи сув ҳажми			ЎзР СК 261-моддаси биринчи қисмининг 3-банди

СБХ

N 39 (791) • 2009 йил 28 сентябрь

51

9

Мамлакатимиз корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари турлари, имтиёзни қўллаш учун операциялар	Имтиёз объекти	Имтиёз тури	Имтиёз бериладиган мuddат	Асос
Наслчилик иши корхоналари ва Республика «Ўзнаслчилик» корхонаси асосий фаолият тури бўйича	Асосий фаолият тури бўйича фойда	Солиқ тўлашдан озод этилади	1.01.2012 йилга қадар	Президентнинг 21.04.2008 йилдаги ПҚ-842-сон қарорининг 8-банди
Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари ва рўйхатта мувофиқ асосий фаолият тури бўйича ташкилотлар	Асосий фаолият тури бўйича фойда	Бўшайдиган маблағларни лойиҳа-тадқиқот ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда мутахассислар малакасини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан солиқ тўлашдан озод этилади. Солиқ солишдан бўшаган маблағлар белгиланган тартибда ташкилотларнинг низом жамғармаларига давлатнинг қўшган ҳиссаси сифатида капиталлаштирилади	1.05.2008 йилдан 1.05.2011 йилга қадар	Президентнинг 29.04.2008 йилдаги ПҚ-847-сон қарорининг 4-банди Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари рўйхати ПҚ-847-сон қарорга 1-иловада келтирилган
Солиқ тўловчи корхоналар	Республика теннис мактабини қўллаб-қувватлаш мақсадларига ҳомийлик (бегараз) ёрдами сифатида ўтказиладиган маблағлар	Солиқ солинадиган фойда кўрсатилган маблағлар суммасига камайтирилади	29.04.2008 йилдан 29.04.2013 йилга қадар	Президентнинг 29.04.2008 йилдаги ПҚ-848-сон қарорининг 10-банди
Солиқ тўловчи корхоналар	Сугурталовчиларнинг акциялари бўйича дивидендлар кўринишида олинган даромадлар	Солиқ тўлашдан озод этилади	1.06.2008 йилдан 1.06.2011 йилга қадар	Президентнинг 21.05.2008 йилдаги ПҚ-872-сон қарорининг 4-банди Имтиёзни қўллаш тартиби махсус Низом (АВ томонидан 17.07.2008 йилда 1838-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади
Сугурталовчилар	Дивидендлар ва фойзалар кўринишида олинган даромадлар	Бўшайдиган маблағларни республика ҳудудларида, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида ҳудудий бўлимларни, кенг тармоқли агентлик тизимини ташкил қилиш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга мақсадли йўналтириш шарти билан солиқ тўлашдан озод этилади	1.06.2008 йилдан 1.06.2011 йилга қадар	Президентнинг 21.05.2008 йилдаги ПҚ-872-сон қарорининг 4-банди Имтиёзни қўллаш тартиби махсус Низом (АВ томонидан 17.07.2008 йилда 1838-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади
Ўқув ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда ташкилотлари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари	Хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномалар бўйича амалга ошириладиган амалий илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш қисмидаги фойда	Солиқ тўлашдан озод этилади	1.01.2013 йилга қадар	15.07.2008 йилдаги ПҚ-916-сон қарорининг 8-банди

СБХ

N 39 (791) • 2009 йил 28 сентябрь

48

Мамлакатимиз корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари турлари, имтиёзни қўллаш учун операциялар	Имтиёз объекти	Имтиёз тури	Имтиёз бериладиган муддат	Асос
Ихтиёрий тугатиётган юридик шахслар - тадбиркорлик субъектлари	Фойдаланиладиган сув ҳажми	Солиқ тўлашдан озод этилади Ихтиёрий равишда тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайтадан бошланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади	Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан	ЎзР СК 261-моддаси биринчи қисмининг 4-банди
Соғлиқни сақлаш муассасалари	Даволаш мақсадида фойдаланиладиган ер ости минерал сувлари ҳажми, бундан савдо тармоғида реализация қилиш учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно	Солиқ солинадиган база кўрсатиб ўтилган сув ҳажмига камайтирилади		ЎзР СК 261-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди
Солиқ тўловчи корхоналар	Дори воситаларини тайёрлаш учун фойдаланиладиган сув ҳажми	Солиқ солинадиган база кўрсатиб ўтилган сув ҳажмига камайтирилади		ЎзР СК 261-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди
	Атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида чиқазиб олиннадиган ер ости сувлари ҳажми, ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми бундан мустасно			ЎзР СК 261-моддаси иккинчи қисмининг 3-банди
Солиқ тўловчи корхоналар	Шахтадан сувларни қочириш учун, фойдали қазилмаларни қазиб олиш вақтида чиқазиб олинган ва қатламдаги босимни сақлаб туриш учун ер қаърига қайтариб қуйиладиган ер ости сувлари ҳажми, бундан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно	Солиқ солинадиган база кўрсатиб ўтилган сув ҳажмига камайтирилади		ЎзР СК 261-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди
Солиқ тўловчи корхоналар	Гидроэлектр станциялари гидравлик турбиналарининг ҳаракати учун фойдаланиладиган сув ҳажми	Солиқ солинадиган база кўрсатиб ўтилган сув ҳажмига камайтирилади		ЎзР СК 261-моддаси иккинчи қисмининг 5-банди
	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган сув ҳажми			ЎзР СК 261-моддаси иккинчи қисмининг 6-банди
Аҳолига пуллик тиббий хизматлар (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) кўрсатувчи тиббиёт муассасалари	Фойдаланиладиган сув ҳажми	Бўшайдиган маблағларни тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтириш шarti билан солиқ тўлашдан озод этилади	1.10.2007 йилдан бошлаб 1.10.2012 йилга қадар	Президентнинг 19.09.2007 йилдаги ПФ-3923-сон Фармонининг 7-банди

Давоми бор.

Мамлакатимиз корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари турлари, имтиёзни қўллаш учун операциялар	Имтиёз объекти	Имтиёз тури	Имтиёз бериладиган муддат	Асос	
Тижорат банклари томонидан банкрот корхоналар мол-мулки негизда янги ташкил этилган корхоналар. 28.07.2009 йилдан бошлаб – шунингдек тижорат банклари томонидан, жумладан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва йўлга қўйиш ҳамда маҳсулотларни сотишда муваффақиятли иш тажрибасига эга бошқа инвесторлар иштирокида янги ташкил этилган корхоналар	Фойда	Бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш ва ривожлантириш шarti билан солиқ тўлашдан озод этилади	Улар стратегик инвесторга реализация қилинганга қадар, бироқ давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб 3 йилдан кўп эмас	Президентнинг 19.11.2008 йилдаги Ф-4010-сон фармойишининг 2-банди, Президентнинг 28.07.2009 йилдаги ПҚ-1166-сон қарорининг 9-банди	
Тижорат банклари томонидан таъсис этиладиган бошқарув компаниялари	Фойда	Солиқ тўлашдан озод этилади	Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб 2 йил давомида		
“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида рўйхатга олинган корхоналар	Фойда	Солиқ тўлашдан озод этилади	7 йилга	Президентнинг 2.12.2008 йилдаги ПФ-4059-сон Фармонининг 3-банди	
			Тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми: - 3 млн евродан 10 млн еврогача		10 йилга
			- 10 млн евродан 30 млн еврогача		15 йилга
			- 30 млн евродан ортиқ бўлганда		
Солиқ ставкаси 50%га пасайтирилади	Тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми: - 10 млн евродан 30 млн еврогача	10 йиллик имтиёз даври тугагандан сўнг 5 йил	Имтиёзни қўллаш тартиби Низом (ВМнинг 23.04.2009 йилдаги 120-сон қарорига 2-илова) билан тартибга солинади		
		- 30 млн евродан ортиқ бўлганда		15 йиллик имтиёз даври тугагандан сўнг 10 йил	
Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга ошириладиган корхоналар	Маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот қисмидаги фойда	Бўшайдиган маблағларни янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, шунингдек фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, сифатни бошқариш тизимини жорий этиш, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар сотиб олишга, Маҳаллийлаштириш дастури амалга оширишга жалб қилинган корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини рағбатлантиришга йўналтириш шarti билан солиқ тўлашдан озод этилади	1.01.2011 йилга қадар - ПҚ-1048-сон қарорига* 2 ва 3-иловаларга мувофиқ корхоналар	Президентнинг 27.01.2009 йилдаги ПҚ-1048-сон қарорининг 3-банди, ВМнинг 24.08.2009 йилдаги 248-сон қарорининг 1-банди	
			1.01.2012 йилга қадар - ПҚ-1048-сон қарорига* 2а ва 3а иловаларга мувофиқ корхоналар, ВМнинг 24.08.2009 йилдаги 248-сон қарорига 1 ва 2-сон иловаларга мувофиқ лойиҳалар экспертизадан ўтказилгандан сўнг, Маҳаллийлаштириш дастури амалга оширилишини таъминлаш бўйича Махсус комиссия қарорларига биноан корхоналар		Имтиёзни қўллаш тартиби махсус Низом (АВ томонидан 19.09.2008 йилда 1857-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади

*ВМнинг 24.08.2009 йилдаги 248-сон қарорига 3-иловада кўрсатилган корхоналардан ташқари.



МАМЛАКАТИМИЗ АНТИДЕМПИНГ СИЁСАТИ

Тарифсиз тартибга солиш давлатлар ҳозирги иқтисодий ва савдо сиёсати дастакларининг кенг доирасини ўз ичига олади, уларнинг кўпчилиги маъмурий тусга эгадир. ГАТТ-ЖСТ Котибиятининг таснифига кўра, божхонада баҳолаш усуллари, тарифлар таркиби, божхона ва консулхона расмийчиликлари, товарлар намуналарига нисбатан талаблар билан бир қаторда буларга антидемпинг божлари ҳам кирилади. Ҳозирги иқтисодий реалликларни ҳисобга олиб, антидемпинг чораларни қўллаш усуллари жаҳон амалиётида долзарб тус оляпти.

Антидемпинг чоралар – ҳозирги савдо сиёсатида энг кенг тарқалган механизмлардан биридир, чунки ноҳалол рақобатга қарши курашишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Улар кўшимча божни белгилашда ифодаланади. Уларни қўллаш шарти бўлиб, биринчидан, демпинг – товарнинг импортчи мамлакатда экспортчи мамлакатнинг ички бозорида шаклланидиган паст нархда сотилиши ҳолатининг, иккинчидан, импортчи мамлакат миллий саноатида

зарар етказилганлиги далилларининг мавжудлиги ҳисобланади. Антидемпинг чоралар барча хорижий экспортчиларга нисбатан эмас, балки товарларни хорижга ички бозордагидан паст нархларда етказиб, халқаро ҳамжамият томонидан белгиланган адолатли рақобат қоидаларини бузаётган ва ўз ҳаракатлари билан импортчи мамлакатда рақобатлашаётган тадбиркорларга зарар етказётган шахсларга нисбатан қўлланади.

Ушбу кучли иқтисодий дастак мамлакат томонидан унинг нуқтаи назаридан номақбул бўлган импортга қарши қўлланади. Экспортчи учун амалда унинг бозорига кириш йўли беркилади. Бу бир қатор ҳолатлар билан боғлиқ.

Биринчидан, антидемпинг божлари ставкалари, одатда, худди ўша товарнинг одатдаги импорт йиғимларидан юқори бўлади.

Иккинчидан, экспортчи антидемпинг божини қўллаш имкониятини ва бунинг устига унинг ставкаси миқдорини олдиндан ҳисобга ололмайди.

Учинчидан, бу эса энг муҳими, бир қатор ҳолларда антидемпинг божга нисбатан орқага қайтиш кучи қондаси амал қилади. Бож демпинг далили белгиланган пайтдан эмас, балки товарни демпинг нархлари бўйича олиб кириш бошланган пайтдан, яъни ўтиб кетган сана билан ундирилади, унинг суммаси эса миллионлаб долларга етиши мумкин. Антидемпинг божларини ҳисоблаб ёзиш ва ундиришнинг ушбу хусусиятлари шунга олиб келдики, нафақат антидемпинг текширувнинг бошланиши далили, балки ҳатто тадбиркорларнинг тегишли органларга уни ўтказиш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилиш нияти тўғрисидаги хабар чекланган самара кўрсатган ҳолда товарларнинг номақбул импортига қарши курашишнинг кучли таъсир кўрсатувчи воситаси ҳисобланади. Ушбу чораларни қабул қилиш нафақат демпингга айланган экспортчиларга, балки ягона мамлакат – манбадан товар олиб кирувчиларнинг ҳаммасига зарар етказиб, ҳатто уларга қабул қилинган чоралар татбиқ этилмаганида ҳам, обрў-эътиборини туширади.

ҲУҚУҚИЙ БАЗА

«Муҳофазат чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон қонун ҳужжатларини Жаҳон савдо ташкилотининг учта – ҳимоялаш чоралари, антидемпинг ва субсидиялар ҳамда компенсация чоралари тўғрисидаги битимларига (1994 йил) мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Унинг қабул қилиниши Ўзбекистон бозорлари учун рақобат кураши олиб боришнинг ноқонуний усулларига қарши туриш, шунингдек миллий қонун ҳужжатларини ЖСТ талабларига мувофиқлаштириш учун ҳуқуқий асос яратди. Шу тариқа, ташқи иқтисодий фаолият бўйича қонун ҳужжатлари ички ишлаб чиқарувчилар ва ички бозорни товарлар импорти чоғида ноҳалол рақобатдан ҳимоя қилишга тааллуқли қоидалар билан кенгайтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Муҳофазат чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (2005 йил 19 майдаги 129-сон, бундан кейин – 129-сон қарор) билан **Муҳофазат чоралари, антидемпинг ва компенсация божларини қўлланиш мақсадида текшириш ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом** тасдиқланди. 129-сон қарор талабларига асосан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида муҳофазат чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари махсус бошқармаси ташкил этилди ва **Махсус, антидемпинг ва компенсация божларини ҳисоблаш, ундириш ва қайтариш тартиби тўғрисидаги низом** (ДБК, ТИАИСВ, ИВ ва МВнинг АВ томонидан 2007 йил 20 сентябрда 1718-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) ишлаб чиқилди.

БОЖХОНА АРИФМЕТИКАСИ

Антидемпинг божлари Вазирлар Маҳкамасининг қарори бўйича божхона ҳудудига товар унинг нормал қийматидан паст

нархларда келтирилган ҳолларда, агар бундай импорт иқтисодий тармоғига жиддий зарар етказса ёки етказиш хавфини солса, агар бундай далил ваколатли орган, ТИАИСВ ана шундай орган ҳисобланади, текшириши натижалари бўйича аниқланган бўлса, қўлланади. Улар битта ёки бир нечта товар етказиб берувчига нисбатан қўлланиши мумкин.

Антидемпинг божлари товарлар импорти чоғида белгиланган ва солиқ солинадиган оборот миқдорига киритилмайдиган божхона тўловлари билан бир қаторда ундириладиган алоҳида божхона божлари қаторига киритилади. Уни қўллаш ставкалари ва муддатлари, зарур ҳолларда эса қайтариш шартлари ҳам республика ҳукумати томонидан текширишлар натижалари асосида белгиланади.

Истисно ҳолларда республика ҳукумати ТИАИСВ томонидан текширишлар якунланиши ва у алоҳида божхона божларини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса тақдим этишига қадар вақтинчалик алоҳида божхона божларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Агар текшириш антидемпингнинг мавжуд эмаслигини белгиласа, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра вақтинчалик антидемпинг божларини ундириш тўхтатилади, илгари тўланган суммалар эса **Ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловлари тўғрисида йўриқномага** (АВ томонидан 2000 йил 14 июлда 947-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ тўловчига қайтарилиши керак.

Алоҳида божхона божларини ҳисоблаб ёзиш чоғида адвалор, хос ва аралаш ставкалар қўлланиши мумкин.

Антидемпинг бож турлари. **Индивидуал** – ҳар бир маълум чет эл экспортёри ёки чет эл товар ишлаб чиқарувчисига нисбатан қўлланилади; **ягона** – барча маълум чет эл экспортёрлари ёки чет эл товар ишлаб чиқарувчиларига нисбатан қўлланилади.

Амал қилиш муддатлари: **вақ-**

тинчалик антидемпинг божлари учун – 6 ойгача, кейинчалик Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 9 ойгача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин; **антидемпинг божлари** учун – беш йилгача (вақтинчалик антидемпинг божларининг амал қилиш муддати қўшилган ҳолда), кейинчалик узайтирилиши мумкин.

Агар антидемпинг божлари вақтинчалик антидемпинг божларидан кўп миқдорда қўлланилган бўлса, орадаги фарқ тўловчидан ундирилмайди. Агар антидемпинг божлари вақтинчалик антидемпинг божларидан кам миқдорда қўлланилган бўлса, орадаги фарқ тўловчига қайтарилади.

Алоҳида божхона божларини ҳисоблаш учун асос бўлиб қўйидагилар ҳисобланади: адвалор ставкалар ва аралаш ставкаларнинг адвалор қисми учун қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган бож ундириладиган товарнинг божхона қиймати, Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТНга мувофиқ бож ундириладиган товарнинг тегишли ўлчов бирлиги – хос ставкалар ва

божхона божларининг тегишли ставкаси.

Келиб чиқиш мамлакатини. Агар алоҳида божхона божлари (вақтинчалик алоҳида божхона божлари) ҳар қандай мамлакат товарларига нисбатан қўлланилса, улар ушбу товарларнинг келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар, белгиланган миқдорда ундирилади. Агар улар муайян бир мамлакатнинг товарларига нисбатан қўлланилса, шу кўрсатилган мамлакатнинг товарларидан, товарнинг келиб чиқиш мамлакатини номаълум бўлган, яъни уни тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган ҳолда белгиланган миқдорда ундирилади.

Ҳисоб расмийчилиги. Алоҳида божхона божларини ҳисоблаш ва тўлаш импорт товарларини божхона расмийлаштируви вақтида амалга оширилади, декларантлар – юридик ва жисмоний шахслар эса уларни тўловчиларидир.

Дарвоқе, ҳар қандай манфаатдор шахс тўловчи учун алоҳида божхона божларини тўлашга ҳақлидир.

Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғриси-

ЁН ДАФТАРГА

Агар ваколатли орган демпинг маржаси экспорт нархининг икки фоизидан озни ташкил қилишини ёки демпинг нархлари бўйича товар ҳақиқий ёки бўлғуси импортнинг ҳажми ёхуд иқтисодиёт тармоғига у етказадиган зарар ёки хавфнинг миқдори арзимас даражада эканлигини аниқласа, текшириш дарҳол тўхтатилади. Агар у Ўзбекистонда ўхшаш товарлар импорти умумий ҳажмининг уч фоизидан озни ташкил қилса, муайян хорижий давлатдан демпинг нархлари бўйича товар импортнинг ҳажми арзимас ҳисобланади.

аралаш ставкаларнинг хос қисми учун.

Импорт қилинаётган товарлар бўйича алоҳида божхона божлари (вақтинчалик алоҳида божхона божлари) адвалор ставкаларда куйидаги формула асосида ҳисобланади:

$Абс = Бқ \times АБ / 100\%$, бунда:

Абс – алоҳида божхона божлари (вақтинчалик алоҳида божхона божлари) суммаси;

Бқ – импорт қилинаётган товарнинг божхона қиймати;

АБ – ўтказилган текширув натижаларига ёки дастлабки ҳулосага кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган алоҳида

да йўриқнома (АВ томонидан 1999 йил 3 ноябрда 834-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тасдиқланган Божхона тўловлари таснифномасига мувофиқ алоҳида божхона тўлови божхона юк декларациясининг 47-устунида «Тури» колонкасида унинг турини акс эттирган ҳолда кўрсатилади. Антидемпинг божининг коди – 82.

ТЕКШИРИШ

Текшириш ўтказиш учун асос бўлиб ариза ҳисобланади, уни

*Текшириш уни ўтказётган органнинг ўз ташаббуси бўйича ҳам бошланиши мумкин.

«БОЖХОНА» бўлимини «СБХ» мухбири Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.



МАҲСУЛОТ ЧИҚИШИГА ҚАРАБ

? Корхонамиз қайта ишлашга берилган хом ашёдан товарларни қайта ишлашга рухсат олиши керак. Ҳозир бунинг учун зарур ҳужжатлар тайёр бўлиб қолди. Бироқ бизни қуйидаги нарса ташвишга соляпти. Божхона постида бизга айтишларича, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тахмин қилинаётган ҳажми олдиндан божхона билан келишилиши керак экан. Бу даъво қанчалик қонуний? Улар қайта ишлашга берилган хом ашёдан тайёрланадиган маҳсулотнинг келиб чиқишини қандай назорат қилишлари мумкин?

Т.Хайруллин, ТИА бўлими мутахассиси.

Божхона органлари эксперт ташкилотларининг хулосалари асосида, агар бу божхона мақсадларида зарур бўлса ёки қайта ишлашни амалга оширишга имкон яратса, қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиши мажбурий нормаларини белгилашга ҳақлилар. Чунончи, Божхона кодекси (БК)нинг 36-моддаси қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиши нормасини муайян миқдордаги товарларни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўладиган қайта ишлаш маҳсулотларининг миқдори ёки уларнинг фоиздаги ифодаси сифатида белгилайди. У қайта ишлаш учун рухсатнома берилаётганда қайта ишлаш амалга ошириладиган ҳақиқий шароитларни ҳисобга олган ҳолда божхона органлари томонидан белгиланади ёки улар билан келишиб олинади. Бунда қайта ишлаш маҳсулотларини тавсифлаш, уларнинг сифати ва миқдори қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиши нормалари асосида белгиланади, уларнинг ўзи эса ҳудудий божхона органлари томонидан қайта ишлаш учун бериладиган рухсатномада кўрсатилиши керак.

Товарларни қайта ишлаш маҳсулотларида божхона мақсадлари учун қиёслаш ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар ҳақидаги, шунингдек қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи технологиялар ҳақидаги муфассал маълумотларни тақдим этиш йўли билан ёки қайта ишлаш вақтида божхона назоратини олиб бориш орқали амалга оширилиши мумкин. **Божхона ҳудудида** товарларни қайта ишлаш маҳсулотларида қиёслашга нисбатан қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси томонидан белгиланади.

Товарларни қайта ишлаш маҳсулотларида қиёслаш қуйидаги ҳолларда талаб этилмайди:

қайта ишлаш чоғида ишлаб чиқаришнинг узлуксиз туркумларига тааллуқли технология жараёнидан фойдаланилаётган бўлса;

қайта ишлаш чоғида қайта ишлаш амалга оширилаётган мамлакатдан бошқа мамлакатларнинг божхона ҳудудида худди шундай ва (ёки) айни бир хил қайта ишлаш маҳсулоти ишлаб чиқарилишини истисно этувчи ноёб технология жараёнидан фойдаланилаётган бўлса.

Дарвоқе, олиб кириладиган қайта ишлаш маҳсулотларини қиёслаш учун божхона органлари товарларнинг ишлаб чиқарилган жойи ҳақидаги сертификатлардан, шунингдек мазкур товарларни Ўзбекистон Республикаси **божхона ҳудудидан ташқарида** қайта ишлашга тааллуқли бошқа ҳужжатлардан фойдаланишлари мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, БКнинг 153-моддасига мувофиқ, товарларни қайта ишлашда белгиланган талабларга, чекловлар ва шартларга, шу жумладан қайта ишлаш муддатлари, қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиши миқдори, товарларни қайта ишлаш бўйича операцияларни амалга ошириш тартибига доир белгиланган талабларга, чекловлар ва шартларга риоя этмаслик қайта ишлашга мўлжалланган товарлар қийматининг 50 фоизидан 100 фоизигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Қайта ишлаш маҳсулотларини бошқа товарларга алмаштириб қўйиш эса товарларни мусодара қилиб, ЭКИХнинг 20 бараваридан 50 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

ҚОНУНИ БУЗМАНГ!

? Яқинда божхона пости орқали ўтишда онамни божхоначилар ушлаб қолишди. Биз уни чегаранинг бу томонидан кутиб турдик, онамни қўйиб юборишларини кутиб асабийлашдик. Онамнинг айтишича, ундан ҳужжатлари бўлмагани учун товарларни олиб қўйиб, баённома расмийлаштиришган. Энди тергов олиб борилади.

Божхона милиция эмас. Наҳотки улар кишиларни қамашлари ва бир неча соат чиқармасликлари мумкинми?

Мавлуда И. Сирдарё вилояти.

Хатни газетхон асабийлашиб ёзганлиги аниқ, Божхоначиларнинг қонун ҳужжатларига риоя этишлари борасида қизишиб кетишининг сабаби ҳам шунда. Бироқ, хатга қараганда, унинг онаси қонуний равишда ушланган, чунки муаллифнинг ўзи товарлар ҳужжатлари йўқлигини ёзган. Чамаси, улар декларацияда акс этирилмаган ва тижорат мақсадлари учун мўлжалланмаган товарлар кўринишида олиб кирилган. Эҳтимол, онангизни ушлаб қолиш учун бошқа объектив сабаблар ҳам бўлгандир.

Маъмурий ушлаб туришнинг қонунийлиги келсак, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунга (1997 йил 29 августдаги 472-1-сон) мувофиқ, божхона органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилма ҳисобланиб, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш тўғрисидаги ишларни юритаётганда ушбу таомилни қўллаш ҳуқуқига эгалар, унинг механизмини **Божхона қонун ҳужжатларини бузган шахсларни маъмурий ушлаб туриш тартиби тўғрисидаги низом (АВ томонидан 1999 йил 7 майда 717-сон билан рўйхатдан ўтказилган)** тартибга солади.

Чунончи, божхона ходимлари **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг** 184-2, 184-3, 198, 227 ва 227-1 – 227-27-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш мақсадида, шахсини аниқлаш, жойининг ўзида тузиш мумкин бўлмаганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишни ўз вақтида ва тўғри қўриб чиқишни таъминлаш ҳамда божхона қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларга доир қарорлар ижроси бўйича таъсир кўрсатишнинг бошқа чоралари қўлланиб бўлганда, ҳуқуқбузарликларни, шунингдек, шахси аниқланмаган, ўзи ҳақида анкета маълумотларини маълум қилмайдиган ёки ёлгон маълумотлар берадиган ҳуқуқбузарларни маъмурий ушлаб туришга ҳақлидирлар.

Маъмурий ушлаб туриш уч соатдан кўпга чўзилиши мумкин эмас. Унинг муддати ҳуқуқбузар баённома тузиш учун олиб келинган пайдан бошлаб ҳисобланади. Мазкур ҳужжат-

да уни тузиш санаси ва жойи; баённома тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ушланган ҳуқуқбузарнинг шахси тўғрисидаги маълумотлар; ушлаб туриш вақти, жойи ва асоси кўрсатилади. Уни имзолаганидан сўнг божхоначи ҳолислар ҳамда ҳуқуқбузарга имзо чекишни таклиф қилади. Ушланган шахс баённомани имзолашдан бош тортиганда унга бу ҳақда қайд этади. Баённома маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга тикиб қўйилади.

Бунда зарур ҳолларда ҳуқуқбузар шахсан текширилиши, унда бўлган буюмлар кўздан кечирилиши ва ҳуқуқбузарлик қуроли ёки бевосита объекти бўлган ашёлар ва ҳужжатлар топилганда олиб қўйилиши, шунингдек контрабанда буюмлари мусодара қилиниши ташкил этилади (ўтказилади). Шахсан кўздан кечириш ушланган шахс билан бир жинсда бўлган шахс томонидан, шу жинсга мансуб икки ҳолис, зарур бўлган ҳолларда эса мутахассислар, шу жумладан тиббиёт ходими ва таржимон ҳозирлигида амалга оширилади.

Сўнгра божхона органининг мансабдор шахси ушланган шахс ва тўпланган материалларни (божхона қонун ҳужжатларини бузганлик, маъмурий ушлаб туриш тўғрисидаги баённомалар, аниқланган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги билдирги, ҳуқуқбузар тушунтиришлари, товарга илова қилинувчи ва бошқа ҳужжатларни) божхона органининг тезкор навбатчисига топширади. У маъмурий ушлаб туриш баённомасини рўйхатдан ўтказиши ва зарурат бўлганда ҳуқуқбузарни ушланганлар учун мўлжалланган хонага жойлаштирилади, бу ерда эркалар ва аёллар алоҳида-алоҳида ушлаб турилади.

Олиб қўйилган ашё ва ҳужжатлар (курол-яроғ ва ўқ-дорилардан ташқари) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги материаллар билан биргаликда мазкур ишни олиб боришга ваколатли божхона органи ходимига топширилади ва Божхона қонун ҳужжатларини бузишлар тўғрисидаги материалларни рўйхатга олиш журналида унга имзо чекирилади.

«РИА НОВОСТИ» ДАН ТАРҚАЛГАН «ЭПИДЕМИЯ»

2009 йилнинг 22 сентябрь куни хорижий «РИА Новости» ахборот агентлиги «Ўзбекистон Туркменистондан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб киришни тақиқлаб қўйди» сарлавҳали хабарни тарқатган эди.

Хоразм вилояти ҳокимлигидаги манбага асосланган ҳолда агентлик ушбу мақолада Туркменистонда хавfli эпидемиологик вазият юзага келгани боис Ўзбекистон ҳукумати Ўзбекистон-Туркменистон чегараси орқали гўшт ва сут маҳсулотларини, тери, жун ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ҳайвонларни ўтказишни вақтинча тўхтатиб қўйганлигини таъкидлайди.

Исмани ошкор этмаган маҳаллий ҳокимият вакили ушбу чеклаш вилоятд гемаграфик вирус безгаги тарқалиш хавфининг олдини олиш мақсадида вилоят фавқулодда эпидемияга қарши комиссиянинг қарори билан киритилган дея ахборот берган. Аммо, мазкур вирус билан касалланган ва шу сабабли вафот этган одамлар сони ҳақида маълумот беришдан бош тортган.

Мақоланинг кейинги мазмунига кўра, айни пайтда вилоят аҳолиси ўртасида кучайтирилган тарзда эпидемияга қарши кураш, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, маҳаллий оммавий ахборот воситаларига хавfli вирус профилактикасига доир мақолалар, ижтимоий роликларни мунтазам ёритиш тавсия қилинган экан.

«РИА Новости» ахборот агентлигининг веб-сайтида эълон қилинган мазкур мақоланинг қанчалик ҳолис ва ҳаққонийлигини ўрганиш мақсадида Давлат божхона кўмитаси томонидан Хоразм вилоят ҳокимлигига (О.Оллоберганов), вилоят ветеринария бошқармасига (Ш.Дурдиев), вилоятнинг Бош давлат санитария шифокори Х.С.Уразбаевага ҳамда вилоят телерадиокомпаниясига (Б.Султонов) тегишли тартибда мурожаат қилинди. Мурожаатларга жавобан олинган ва тасдиқланган ахборотлар эса «РИА Новости» тарқатган юқоридаги хабарнинг мутлақо асосиз эканлигини исботлаб берди.

Табиий савол туғилади: «РИА Новости»нинг аниқ факт ва далилларга асосланмаган ёхуд исботланмаган ушбу хабарни тарқатишдан кўзлаган мақсади нима эди? Миллионлаб интернет фойдаланувчиларида нотўғри тасаввурни шакллантириши ёки азал-азалдан қон-қариндош, ахил кўшни бўлиб келган икки давлат орасига нифоқ солишими?

Давлат божхона кўмитаси Матбуот хизмати.



ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИПДИ

НУМИЗМАТИКА «ИШҚИБОЗЛАРИ»

Тарихий ва бадий қийматга эга бўлган буюмларнинг юртимиздан ноқонуний олиб ўтилишига қарши кураш борасида Давлат божхона кўмитаси томонидан қатор чоратadbирлар амалга оширилмоқда.

Биргина жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида божхоначилар 86 ҳолатда 67,1 миллион сўмлик 1 340 дونا турли тарихий ва бадий жиҳатдан қимматбахо осори атиқаларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйишган.

Юртимиздан чиқиб кетаётган Афғонистон фуқароси А.Абдул Разоқ божхона баённомасини тўлдирар экан, негадир автомобилнинг юкхонасидаги самоварни қайд этишни «унутибди». Сурхондарё вилоятининг «Айритом» божхона комплекси ходимлари назоратдан ўтказиш чоғида нархи салкам 1,1 млн деб баҳоланган ушбу самовар шунчаки хўжалик анжоми эмас, балки тарихий қийматга эга бўлган нодир буюм эканлигига иқрор бўлишди.

Пост инспекторлари Абдул Разоқнинг юртдоши Х.Торахоннинг қинғир қилмишларига ҳам чек қўйишди: унинг қўл сумчасидан қадимийлиги жиҳатдан самовардан қолишмайдиган, оқ металлдан ясалган тарихий тангалар топилди. Қиймати 1 млн сўмдан ортиқ ушбу 14 дона тангаларни қонунбузар яшириш тарзда юртимизга олиб киришни кўзлаган экан.

Қўшни давлат фуқароси Х.Жубаниёзова «ашаддий тангашунос» бўлиб чиқди. Афғонистондан юртимизга қираётиб, бу аёл ёнида божхона баённомасида қайд этганидан ташқари бошқа валюта ёки валюта қийматига эга бўлган товарлари йўқлигини маълум қилади. Аммо, аёлнинг қўл сумкалари божхона кўригидан ўтказилганида, баённомада кўрсатилмаган тарихий тангалар яширилгани маълум бўлди. Оқ металлдан ясалган, қиймати салкам 5,2 млн сўмга тенг ушбу тангалар оз эмас-кўп эмас, нақд 173 дона экан.

Бадий экспертиза хулосасига кўра бу тангалар XIX аср ва XX асрнинг биринчи ярмида зарб этилган экан.

Ҳозирда ушбу қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ҚОВУНЧИЛАР «ҚОВУН ТУШИРДИ»

Минг бир заҳмат билан этиштирилаётган ҳар бир қишлоқ

хўжалиги маҳсулоти шу замин фарзандларининг – халқимизнинг ризқи. Халқнинг ризқига хиёнат қилиш эса, шубҳасиз, гуноҳ саналади. Юртдошларимиз насибасини қийишга уринаётган «тадбиркор»ларнинг хатти-ҳаракатларига божхоначилар ўз вақтида чек қўйишмоқда.

Эгри йўллар билан мўмай даромад орттиришга уринган наманганлик Ш.Юсуфбеков Учқўрғон туманининг чегарадош ҳудудларидан бирида божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора вакиллари томонидан тўхтатилди. Текширув вақтида ушбу фуқарога тегишли 8 тонна қовун «КамАЗ» юк автомашинасида қўшни республикага олиб чиқишга ҳозирлаб қўйилганлиги аён бўлди.

Ҳамкорликдаги тадбирлар давомида айни шу ҳудудда яна бошқа қонунбузарлик ҳолатлари қайд этилган. Божхона кўригидан ўтказилган 2 та «КамАЗ» машиналарининг ҳар бирига 9 тоннадан қовун ортилган экан. Аммо юк эгалари – андижонлик А.Фофуров ва наманганлик Б.Муродовлар қўшни давлатга олиб кетилаётган 7 минг донадан ортиқ қовунларга тегишли биронта ҳам ҳужжатни тақдим қила олишмади.

Сирдарёлик божхоначилар ҳам йирик миқдордаги қовунларнинг талон-торож этилишига чек қўйишди. Қўшни давлатга олиб чиқиш мақсадида салкам 11 тонна қовун юкланган «КамАЗ» Мирзаобод туманининг чегарадош ҳудудлари томон ҳаракатланаётган пайтда тўхтатиб қолинди. ЮК эгаси О.Юлдашев қарийб 2 млн сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз юртимиздан олиб чиқишга уринган экан.

Шунингдек, вилоят божхоначилари тегишли ҳужжатларсиз салкам 21 тонна қовун олиб кетаётган оққўрғонлик «тадбиркор» К.Йўлдошевнинг ҳам ноқонуний фаолиятига чек қўйишди. Натижада қиймати салкам 4 млн сўмлик дала маҳсулотлари элимиз дастурхонига қайтарилди.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, республикамыиз божхоначилари томонидан жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида 2 666 ҳолатда қиймати 3,1 млрд сўмлик 3822,7 тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний айланмасига чек қўйилган.

Давлат божхона кўмитаси Матбуот хизмати.